

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“МОЛИЯ, БАНК ВА СОЛИҚ ҲУҚУҚИ”
КАФЕДРАСИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Бажарди: “Тадбиркорлик
ҳуқуқий фаолият” йўналиши,
4-курс талабаси **Сабуров**
Сарвар Нурмат ўғли

Илмий раҳбар: “Молия, банк
ва солиқ ҳуқуқи” кафедраси
доцент в.б. **Ф. Исаева**

Тошкент – 2016

МУНДАРИЖА

Кириш	3-8
I-боб. Ўзбекистонда лизинг муносабатларини тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий асослари	9
1.1. Молиявий лизинг тушунчаси, моҳияти ва унинг юридик табиати.....	9-21
1.2. Молиявий лизинг турлари ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.....	21-34
1.3. Молиявий лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили.....	34-48
II-боб. Лизинг муносабатларини тартибга солишда тижорат банкларнинг тутган ўрни	49
2.1. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солиш.....	49-59
2.2. Молиявий лизинг операцияларининг ўхшаш муносабатлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари, лизинг операциялари афзалликларининг ҳуқуқий кафолатлари сифатида тижорат банкларининг ўрни.....	59-64
Хулоса ва тавсиялар	65-67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	68-71

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига жуда ҳам катта эътибор берилмоқда ва тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Уларга имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш, кредитлар ажратиш, лизинг асосида турли керакли жиҳозлар билан таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Айнан мана шу тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш масалалари лизинг муносабатларига кўпроқ эътиборни жалб этишни тақозо этмоқда. Чунки молиявий инқирозга юз тутаётган корхоналар лизинг орқали керакли жиҳозларини янгилаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини оширишга эришади. Бу эса улар фаолиятини тиклашга катта ёрдам беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Биз янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва жиҳозлар сотиб олишга имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз”, - деб бир неча бор таъкидлаб ўтганлар.¹

Лизинг ўтган қисқа муддат ичида республикамиз иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказа олди ва ҳозирда мазкур шартномавий муносабат орқали тадбиркорлик субъектларига тегишли тартибда техника ва технологиялар етказиб берилмоқда².

¹ Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш”. 2002 йил мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Миллий таълим. 21.02.2003. - №3.

² Марказий Осиёда лизинг муносабатларини ривожлантириш бўйича лойиҳа гуруҳининг берган маълумотига кўра, Ўзбекистонда 2013 йилда амалга оширилган лизинг операцияларининг 75,2 фоизи кишлоқ хўжалиги техникасини, 9,6 фоизи ишлаб чиқариш ускуналарини, 3,9 фоизи йўловчи автотранспортини, 4,5 фоизи компьютер ва ташкилий техника анжомлари, 0,2 фоизи кўчмас мулкни, 0,9 фоизи тиббиёт ускуналарини ва 5,6 фоизи бошқа турдаги ускуналарни ташкил этади. Қаранг: "Обзор законодательства о лизинге в Центральной Азии" // Ж. Лизинг в Центральной Азии (IFC), 2013. - №5. -Б.78.

Бирок, ҳукумат томонидан лизинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва уни ривожлантиришга қаратилган шарт-шароитлар яратиб берилган бўлса-да, деҳқон-фермер хўжаликлари лизинг имкониятларидан лозим даражада фойдалана олишмаяпти. Лизинг компаниялари томонидан лизинг олувчилар талабларини тўлалигича қондира олмаслик ёки уларга ўта қиммат лизинг хизматларини таклиф этишлари бунинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда лизинг шартномасини тузиш жараёнида шартнома субъектлари томонидан лизинг шартномасининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслик ва лизинг қонунчилигидаги ноаниқликларнинг мавжудлиги ёки қонундаги баъзи нормалар шартнома субъектлари ҳуқуқларини бир томонлама ҳимоя қилишга қаратилганлиги лизинг муносабатларининг янада тараққий этишига тўсқинлик қилмоқда.

Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар лизинг амалиётини чуқур ўрганиш, лизинг бозорини янада ривожлантириш истиқболларини белгилашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда лизинг шартномаси ва мазкур шартномавий муносабатни илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берувчи ҳуқуқий адабиётларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги ҳамда лизинг бозорини ривожланишига таъсир кўрсатувчи концепция яратиш заруратининг мавжудлиги мавзу юзасидан атрофлича тадқиқот олиб боришни тақозо этади. Бундан ташқари, лизинг операциясини ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчиликни халқаро конвенция нормалари билан уйғунлаштириш ва ривожланган давлатлар қонунчилигини таҳлил этиш орқали уларнинг ижобий натижаларини Ўзбекистон лизинг амалиётига тадбиқ этиш лозим.

Шу боис, мамлакатнинг инвестицион кўркамлигини ошириш ҳамда лизинг муносабатлари субъектлари ҳуқуқларини ҳар

тарафлама ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг лизинг тўғрисидаги қонунчилигини ислоҳ этиш зарур, деб ўйлаймиз. Ўзбекистон Республикасида лизинг соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ва амалиётида муайян бўшлиқлар ҳамда мунозарали масалаларнинг мавжудлиги битирув малакавий иши мавзусини назарий ва амалий жиҳатдан долзарб эканлигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулосалар, лизинг муносабатларини тартибга солувчи лизинг қонунчилигини янада такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Ишдаги таклиф ва хулосалардан фуқаролик ҳуқуқи, шартнома ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва намунавий ўқув дастурларда кўрсатилган мавзуларни ёритишда, келажакда бошқа ҳуқуқий муносабатлар бўйича олиб борилиши режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Илмий янгилиги. Ушбу битирув малакавий ишда бошқа ҳуқуқий муносабатлар тизимида лизинг операциясининг тутган ўрни, унинг юридик табиати, ўзига хос хусусиятлари, лизинг шартномаси субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тижорат банкларида лизинг муносабатларини амалга оширишда келиб чиқаётган бўшлиқлар билан боғлиқ бўлган муаммолар илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Амалга оширилган тадқиқот натижасидан келиб чиқиб, ҳимояга қўйидаги таклифлар тақдим этилади:

1. Лизинг операцияси шартномасини уч тарафлама шартнома деб ҳисобловчи олимларнинг қарашларида бир қатор камчиликлар мавжудлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Унга кўра, лизинг шартномасини уч тарафлама шартнома деб тан олишга етарли асосларнинг мавжуд эмаслиги, хусусан тарафлар ўртасида мажбуриятларнинг тенг тақсимланмаганлиги ва бу ҳолат шартнома тузиш тамойилларига зид келишлиги

асослаб берилди.

2. Лизинг операциясининг "ўзига хос" хусусиятларини ҳисобга олган ва шу хусусиятлари орқали лизинг операциясини шартноманинг алоҳида тури деб ҳисобловчи тадқиқотчиларнинг қарашларида етарли асослар мавжуд эмаслиги ушбу битирув малакавий ишда илмий-назарий жиҳатдан исботлаб берилди.

3. Ишда лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва хориж қонунчилигининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Тадқиқот натижалари бўйича лизинг қонунчилигида шартнома субъектларининг "резидентлик" ва "норезидентлик" категориясига аниқлик киритилиши, келажакда мазкур шартномавий муносабатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши илмий асослантирилди.

4. Ривожланган давлатларнинг лизинг амалиётида хизмат кўрсатувчи фирмалар ва брокерлик ташкилотлари ҳам лизинг берувчи субъект сифатида тан олинади. Тадқиқотчининг фикрича, қуйидаги асосларга кўра хизмат кўрсатувчи фирма ва брокерлик ташкилотлари лизинг муносабатларининг субъектлари бўла олмайди. Яъни, улар келишилган ҳақ эвазига ускуналар ишлаб чиқарувчиларнинг агенти сифатида иштирок этади, буюртмага асосан лизингнинг қулай шартларини қидиради, лизинг олувчи билан лизинг берувчини бир битимга келишига кўмаклашади. Бу ҳолатда брокерлик фирмалари лизинг муносабатларининг иштирокчиси бўлмай, балки воситачилик вазифасини бажаради.

5. Лизинг берувчи, яъни банк томонидан лизинг берилганда, агар лизинг олувчи томонидан мажбурият бажарилмаса, банк лизингга берилган мулкни қайтариб олади ва қайтариб олинган лизинг объектини бошқа шахсга лизингга бера олмайди. Бу эса қайтиб олинган лизинг объектини кимдир сотиб олмагунича банк ҳисобида қолиб кетишига сабаб бўлиши асослаб берилди.

Тадқиқотнинг объекти. Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб,

лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқ нормалари, лизинг операциясини тартибга солиш жараёнининг барча соҳалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Мазкур тадқиқотнинг предметини лизингга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ва миллий қонунчиликда учрайдиган баъзи муаммоларни бартараф этиш, лизинг операцияси субъектларининг ҳуқуқий мақомини ўрганиш, шунингдек, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида лизинг шартномасининг тушунчаси ва мазмуни, шартномавий муносабатлар тизимида лизинг операциясининг хусусиятларини ва муносабат субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид асосларни ўрганиш, бу борада қонунни қўллаш амалиётини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- лизинг муносабатларининг ривожланиши ва унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- лизинг муносабат субъектларининг шартномада тутган ўрни ва улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш;
- лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни таҳлил этиш ва ундаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришга оид амалий таклифлар бериш;
- лизинг муносабатларидаги коллизия масалаларга халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг таъсири ва бирхиллаштириш асосларини тадқиқ этиш;
- лизинг муносабатларини тартибга солувчи халқаро

конвенциялар ҳамда чет эл қонунчилигини ўрганиш ва миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлилни амалга ошириш;

- лизинг операцияларини банк операциялари тизимида тутган ўрнини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш;
- лизинг операциясида белгиланган мажбуриятларини бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлик масалаларига оид нормаларни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан бўлиб, мавзунини ўрганиш мантиғига мос келади. Мазкур тадқиқот иши кириш, беш параграфни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Молиявий лизинг тушунчаси ва унинг юридик табиати

"Лизинг" (ингл. leasing) термини инглизчадан келиб чиққан бўлиб, ҳозирги вақтда кўпгина ҳуқуқий тизимларда қўлланилади. Лизинг битимлари АҚШ лизинг компанияларининг бошқа мамлакатларга кириб келиши натижасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида тарқалди. Ҳозирги вақтда АҚШда лизинг деганда, бир томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи)га муайян муддатга белгиланган ҳақ эвазига ашёни турли шароитларда фойдаланиш мақсадида эгалик қилиш учун берадиган шартнома тушунилади³.

Юксак тараққиётга эга бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида лизинг операцияси муҳим ўрин тутган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ушбу муносабат бир неча давлатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатишида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини атрофлича қўллаб-қувватлаш, мамлакатда оғир ва енгил саноат соҳасини юксалтириш ҳамда миллий маҳсулотларни яратиш масалалари куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу муаммоларни бартараф этишда лизинг операциясининг аҳамияти беқиёсдир. Чунки, лизинг шартномаси орқали тадбиркорларда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш имконияти ошиб боради, мамлакатда ишлаб чиқариш кўлами кенгаяди ҳамда турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаси ривожланади. Лизинг муносабатларининг тараққий этишида, албатта, ушбу муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги асосий омил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари 1996 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг 587-599-моддалари ҳамда 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Лизинг

³Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Шарқ, 2002. – 319 б.

тўғрисида"ги қонун билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома деб эътироф этилади. Шунингдек, шартномавий муносабатларида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан шартноманинг мазмунини белгилаш ва шартларини аниқлашда ўз хоҳиш иродаларини эркин ифода этадилар. Барча шартномалар сингари лизинг шартномасининг ҳам ўзига хос хусусиятлари ва шартлари билан бошқа шартномалар фарқланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 587-моддасида лизинг шартномасининг тушунчаси очиб берилган бўлиб, унга кўра "Лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади" деб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасида ҳам лизинг тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра "Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга берилиши"⁴ белгиланган.

Қонуний асосларига кўра шартноманинг бирламчи шarti сифатида унинг предметидан, яъни мол-мулкдан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш каби талаб мавжуд. Лекин лизинг амалиёти шуни кўрсатадики, баъзи давлатларда хусусан, Германияда лизинг шартномаси предметидан

⁴Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни. –Т.: Адолат, 1999. 2-модда.

нафақат тадбиркорлик мақсадида, балки ўзининг шахсий эҳтиёжини қондириш, яъни уй-рўзғор буюмларидан фойдаланиш учун ҳам лизинг шартномасидан фойдаланилади⁵. Шартнома мулкидан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш лизинг шартномасига хос белгидир. Шунинг учун бу мақсад шартномада кўрсатилмаса ва лизинг олувчи мол-мулкдан тадбиркорлик мақсадида эмас, балки ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланса, лизинг шартномаси ўзига хос хусусиятини йўқотади ва у оддий ижара шартномасига айланади. Гарчи лизинг шартномаси қонунчиликда ижара муносабатларининг бир тури сифатида эътироф этилсада, лекин ўзига хос хусусиятларига кўра ижара шартномасидан фарқ қилади. Ушбу фарқларни қуйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин:

– шартнома предметини ва сотувчисини лизинг олувчининг ўзи танлайди;

– мол-мулкдан фақатгина тадбиркорлик мақсадида фойдаланилади;

– лизинг олувчи лизинг мулкидан бўнак тўламасдан туриб эгалик қилади ва фойдаланади;

– шартнома муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтади.

Амалдаги лизинг қонунчилиги лизинг муносабатларини ўзаро икки шартнома асосида: олди-сотди ҳамда лизинг шартномаси асосида тартибга солади. Бунда лизинг олувчи сотувчи билан шартномавий муносабатда бўлмасда, сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйишга ҳақли⁶. Лизинг олувчи бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиши учун асос унинг лизинг берувчи билан бўлган шартномавий муносабатларидир. Лизинг олувчи лизинг берувчининг розилигисиз сотувчи билан тузилган олди-сотди шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас. Фақат олди-сотди

⁵Шпиттлер Х.Й. Практический лизинг. – М.: ЦНИИэпсельстрой, 1991. – С.18.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни. – Т.: Адолат, 1999. 12-модда.

шартномасининг тарафларидан бири шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Шунингдек, лизинг берувчи мол-мулкни сотиб олишда сотувчини, мулк муайян шахсга лизингга бериш учун мўлжалланганлиги ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Бундай огоҳлантиришнинг йўқлиги шартноманинг ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайди, лекин бу қондан шартномага шартнома тарафлари томонидан келишган ҳолда зарурий қоида сифатида киритиш мумкин. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкни лизинг олувчи жойлашган жойда топширилади. Лизинг объекти шартномада белгиланган муддатда лизинг олувчига етказиб берилмаган бўлса, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда лизинг олувчи шартномани бекор қилиши ва келиб чиққан зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Лизинг берувчи сифатида кўп ҳолларда ихтисослашган компаниялар, ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар фаолият олиб боради. Шунингдек, миллий қонунчилик ва ҳуқуқий ҳужжатлар лизинг берувчидан лизинг фаолияти билан шуғулланиши учун маълум бир рухсатнома олиб ишлашни талаб этмайди⁷. Лекин ушбу муносабатни тартибга солувчи баъзи хориж қонунларида лизинг бериш фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли органлардан рухсатнома олиш талаб қилинади⁸. Бундан ташқари, қонунда эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг

⁷1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунида, 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунида ҳамда 2001 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-П-сонли қарорига илова қилинган рўйхатида махсус лизинг компаниялар, саноат корхоналари ва бошқа юридик шахсларга лизинг берувчи сифатида фаолият олиб бориши учун лицензия олиш талаби белгиланмаган.

⁸: Комментарий к Федеральному закону "О финансовой аренде (лизинге)", ст.5. – М.:Норма, 2003. –С.6., Закон Азербайджанской Республики "О лизинге" ст.8. от 29.11.1994 г. // "Lexinfosys" - gtzprojectoffice – Bremen. www.cis-legal-reform.org., The Law Financial Lising of the Republic of Macedonia // "Official Gazette of RM". –2002. №-4., Serbien: GesetzüberFinanzierungsleasing // (SlužbeniglasnikRepublikeSrbijevom 27. Mai 2003 Nr. 55, S.1).

объектини олаётган шахс лизинг олувчи деб эътироф этилади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, хорижий давлатларнинг лизинг қонунчилигида лизинг олувчи ҳар қандай мулкдорлик мавқеига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин ва лизинг олувчидан алоҳида юридик шахс мақоми талаб қилинмайди⁹.

Мавжуд барча ҳодисалар маълум сабаблар ва муайян ҳаракатлар натижасида вужудга келади. Вақт ўтиши билан вужудга келган ҳодисалар амалга оширилган ислоҳотларга ва турли ўзгаришларга бардош беради. Ҳар бир ҳуқуқий муносабатнинг тарихий ривожланиш жараёнини билмасдан туриб, ушбу муносабатни бугунги кундаги ҳолатига тўғри баҳо бериш мураккаб масаладир. Лизинг билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар тарихини ўрганган олимлар, ушбу муносабатлар ривожланишини янги даврига тааллуқлидир¹⁰, деб ҳисоблашади. Лекин бу билдирилган фикрни тўғри деб ҳисобламаймиз, чунки тарихий ҳужжатларда кўрсатилишича, ижара муносабатларнинг ривожланиши ва бунинг натижасида лизинг шартномасининг бугунги кундаги хусусиятлари, белгилари қадимги даврларда мавжуд бўлганлиги тўғрисида адабиётларда маълумот берилади. Тўғри, бугунги кундаги лизинг муносабатларини тартибга солувчи шартномавий муносабат биринчи бор Европа мамлакатларида вужудга келади, сўнгра Америка қўшма штатларида фаолият олиб борган йирик монополистик компаниялар лизинг бозорини ривожлантирган ва лизинг фаолиятини бутун дунёга тарқалишига кўмаклашган. Шунинг учун лизинг муносабатларининг ҳозирги кунги моҳиятини тушуниб олиш учун лизингнинг вужудга келишидаги дастлабки шартлари қандай бўлган ва лизинг операцияси ҳуқуқий базаларининг яратилишига нима таъсир кўрсатганлигини аниқлаш зарур. Манбаларда бу ҳақида турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, муаллифлар бу ҳақда ўзларининг

⁹Хусусан МДХ давлатларидан Россия, Озарбайжой, Белоруссия, Украина давлатлари лизинг қонунчилиги, чет эл давлатларидан АҚШ, Германия (Германияда лизинг муносабатлари тартибга солувчи алоҳида қонуни мавжуд эмас, улар мазкур муносабатни ижара қонунчилиги билан тартибга солади), Япония, Сербия ва Черногория, Албания, Македония ва бошқа давлатларини келтириб ўтишимиз мумкин.

¹⁰: Michael G.Treitel. The law of contact. – London.: – 1995. – P.136.

бир неча ёндашувларни билдиради¹¹. Лекин, биз лизинг муносабатларини вужудга келишини қуйидагича, босқичларга бўлган ҳолда ўрганишни лозим топдик:

Биринчи босқич, лизинг муносабатларинг ривожланиши ўз навбатида, маълум бир меҳнат қуролини сотиб олмасдан туриб, ундан бадал тўлови тўлаган ҳолда фойдаланиш ғоясининг вужудга келиши билан тавсифланади. Гарчи қадимги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда "лизинг" атамаси мавжуд бўлмаган бўлсада, лекин лизинг битимининг моҳиятини очиб берувчи ғоя юқорида келтирганимиздек янги эмас эди. Илк маротаба лизинг битими моҳиятини очиб берувчи таърифни Аристотелнинг "Реторика" асарида учратишимиз мумкин, яъни унда: "Бойлик – хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлишда эмас, балки ундан фойдаланишдан иборат бўлади"¹², дейилган. Бошқача қилиб айтганда, улар даромад олиш учун қандайдир мулкни хусусий қилиб олиш шарт эмас, балки ундан фойдаланиш хулосага келишган.

Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ижарага ўхшаш шартномалар эр.ав. 2000 йилларда қадимги Шумер давлатида ҳам мавжуд бўлганлиги ва у жойдан топилган сопол тахтачаларда ибодатхона руҳонийлари, - яъни ижара берувчиларнинг маҳаллий фермерлар билан қишлоқ хўжалик асбоблари, ер, сув ва бошқа деҳқончилик мақсадида фойдаланиш учун уй ҳайвонларини ижарага бериш тўғрисида тузган шартномалари тўғрисида тарихий манбалар гувоҳлик беради¹³. Бундан ташқари тадқиқотчи Т. Кларк маълумотларига асосланган Е.В.Кабатова

¹¹Биринчи ёндашув, лизингнинг негизи Шумер ва Икки дарё оралиғининг бошқа халқларига бориб тақалувчи молиялаштиришнинг қадимий шаклларида бири сифатида асослайди. // Derek R.Soper, Robert M.Munro, Ewen Cameron. The Leasing handbook. – London.: Sweet & Maxwell, 1993. - 365 p. Иккинчи ёндашув, "лизинг" сўзи XIX асрнинг охири яъни 1877 йил "Bell" телефон компаниясининг ўз аппаратларини сотмаслик ёки вақтинча фойдаланишга бериш тўғрисидаги қароридан сўнг кенг фойдаланганлик фактига ҳамда 1952 йилги лизинг муносабатига ихтисослаштирилган Сан-Францискодаги "United States Leasing Corporation" компаниясини ташкил этилиши билан боғлайдилар.//Lessons of experience series: leasing in emerging markets. The World Bank. – Washington, 1996. – 63 p. Учинчи ёндашув, лизинг тарихининг ҳозирги кундаги тушунчаси 1877 ёки 1952 йилдан бошланганлиги ҳақидаги алоҳида фикрлар мавжуд. Лекин ижара муносабатлари тарихининг оммавий муносабатларнинг сифат ўзгариши натижасида ҳуқуқда янги ходисаларни вужудга келтиришини мисоли сифатида кўриб чиқиш зарур ҳисобланади // Внукова Н.Н., Ольховиков О.В. Мир лизинга. – Харьков.: Основа, 1994. - 224 с.

¹²Ануфриева Л.П. Международное частного право. – М.:Бек, 2000.– С.296.

¹³: Балтус П.,Майджер Б. Школа европейского лизинга//Ж. Лизинг-ревю. –1996. – №6.– С.23-27.

эр.ав. 1775-1750 йилларда турли кўринишдаги мулкларни шахсларга вақтинча фойдаланишга берилганлигини, ушбу мулкка оид тўловлар миқдори тарафлар ўртасида келишилганлиги, мулкларни нобуд бўлиш хавфини ҳисобга олган ҳолда суғурта ва гаровлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартлар батафсил ёритиб берилганлиги, бу ҳуқуқий меъёрлар Хамураппи қонунларида ўз тасдиғини топганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтади¹⁴.

Қадимги цивилизацияларга эга бўлган мамлакатлардан Греция, қадимги Рим ва мисрликлар ижаранинг ўзига хос ижобий жиҳатларини ҳисобга олиб жиҳозлар, ер, уй ҳайвонларига эга бўлишнинг ягона йўли – ижара шартномаси деб билишган. Шунингдек, қадимги финикияликлар ҳарбий ва савдо кемаларини бошқа шахсларга ижрага беришда бугунги лизинг муносабатларига ўхшаш усулни қўллашган. Унга кўра кемалардан фойдаланувчи шартнома объектига техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш ва охирида лозим даражада эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда соз ҳолатда ижарага берувчига қайтариш мажбуриятини тўлиқ зиммасига олади¹⁵. Бундай келишув тартибида тузилган шартнома бугунги "net leasing" ёки "соф лизинг" операцияларига мос келади. Шунингдек, узоққа мўлжалланган ўз даврининг чартер битимлари ҳамда савдо кемаларини тўлиқ амортизация муддатини ўз ичига олган битимлар тузиларди. Ушбу шартномалар орқали шахслар қимматли кема ва экипажларга эга бўлиш имкониятига эга бўлишган.

Иккинчи босқич, лизинг муносабатларининг асосий тараққиёти Рим ҳуқуқида мулк ҳуқуқисиз ашёларга эгалик қилиш институтининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Рим ҳуқуқи кодификациясини амалга оширган император Юстинян I машҳур институцияларида лизинг муносабатларининг асосий ғоясини кўрсатиб берган¹⁶. Қадимги Римда бировнинг ашёси ва мулкидан умрбод фойдаланиб, унинг бутун сақланиши ва хўжаликка яроқли

¹⁴Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998. – С.12.

¹⁵Францев Е.Ф. Лизинг: справочное пособие.– М.: ПРИОР, 1998. – С.208.

¹⁶: Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии. – М.: Правовая культура, 1997. – С.41.

бўлишини таъминлашини "узуфрукт" деб атаган. "Узуфрукт" бошқалар ашёсидан фойдаланишнинг классик шакли бўлиб, Раул бу хақида: "Узуфрукт – бу ўзгалар нарсасидан фойдаланиш ва ундан фойда, ҳосил ундириб олиш"¹⁷, - деб фикр билдиради. Шунинг учун цивилист олимлар Рим ҳуқуқида маълум ашёга мулк ҳуқуқисиз эгаллик қилиш билан боғлиқ мулкый муносабатлар мажмуи мавжудлигини эътироф этишади. Бундан кўриниб турибдики, лизинг муносабатларининг дастлабки белгилари ушбу ҳуқуқий муносабатларда ҳам ўз аксини топган. Е.В.Кабатованинг таъкидлашича, Англияда лизингга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи илк ҳуқуқий ҳужжатлардан бири 1284 йилги Уэльс қонуни ҳисобланган. Унинг фикрига кўра, ушбу қонун ўз ичига континентал тизимга ўхшаш бўлмаган, англо-саксон ҳуқуқ тизими билан боғлиқ бўлган Англиядаги ижара муносабатларининг ривожланиш тарихини ўз ичига қамраб олган¹⁸.

Учинчи босқич, лизинг муносабатлари – янги ишлаб чиқарилган қимматли техникаларга эга бўлиш ва техник ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишнинг ягона усули бўлиб кўринади. XIX асрнинг бошида Англияда саноатнинг ривожланиши ва турли жиҳозлар ишлаб чиқаришининг ўсиши муносабати билан лизингга бериладиган товарларнинг миқдори ошади. Ҳукумат томонидан темир йўл транспорти ва тошқўмир саноатини ривожлантириш борасидаги уринишларида лизинг шартномаси асосий ўрин тутди. Кўмирга бўлган талаб ортиб бориши натижасида тошқўмир қонлари эгалари дастлаб вагонларни кўмир ташиш мақсадида сотиб олишни молиялаштириш фойдасиз ва ноқобил эканлигига тушуниб етадилар. Йирик компаниялар бундай вазиятда пулни фойдали сарфлаш учун тўғри қарор қабул қилиб, улар кўмир ташиш мақсадида вагонларни сотиб олади ва уларни темир йўл компанияларига лизингга беради. Натижада даслабки лизинг фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар вужудга келади.

¹⁷Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 82 б.

¹⁸Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998. – С.13-14.

Уларнинг келишувида шартнома муддати тугаши билан мулкдан фойдаланувчи мулкни сотиб олиши қоидаси белгиланган эди. Шартномада бундай қоидаларнинг мавжудлиги мулкка нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлишнинг олдини олиш ҳамда келгусида фойдаланувчи уни мулк сифатида эгаллик қилиш билан боғлиқ режанинг амалга оширилишидир. Охир оқибат бундай битимлар ижара ва олди-сотди шартномасининг бирикмасини ташкил этиб, лизинг муносабатларини тартибга солувчи шартномавий-ҳуқуқий институтини вужудга келишига сабаб бўлади¹⁹.

Тадқиқотчи В.Хойернинг таъкидлашича, лизинг терминининг қўлланилиши биринчи бор 1877 йил "Bell" телефон компанияси томонидан амалга оширилганлиги, фирма ўз телефон аппаратларини сотмасдан туриб, уларни фойдаланишга бериш ҳамда уни миждознинг уйига ёки идорасига фақат даврий тўловлар асосида ўрнатиш тўғрисидаги қарорни ишлаб чиқиши билан боғланган. Лизинг шартномасидан кенг қамровли фойдаланиш натижасида АҚШ жаҳоннинг бошқа мамлакатларига қараганда тез фурсатда телефонлаштирилади²⁰. Бу оддий операция нафақат алоқа ривожланишига кучли таъсир кўрсатган, балки ўз вақтида молиявий хизмат тақдим этишнинг фойдали хусусиятидан келиб чиқиб, техника саноати компаниялари томонидан ишлаб чиқилган янги технологияларни ҳаётга тадбиқ этишда лизинг фойдали натижа беришини амалда исботлаб берган. Шу билан бир қаторда улар мулккий ҳуқуқларни ташкил этувчи ишлаб чиқилган жиҳозлар муҳофазасидан манфаатдор эдилар. Шунинг учун ишлаб чиқарувчи компаниялар "ноу-хоу"сидан мутлоқ фойдаланиш ҳуқуқини оддий сотувчидан муҳофаза қилиш мақсадида бундай лизинг фаолиятини юқори баҳолашган.

Тўртинчи босқич, асосий фаолияти лизинг билан боғлиқ бўлган ва шу фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларнинг пайдо бўлиши ҳамда лизинг

¹⁹Хойер В. Как делать бизнес в Европе. – М.: Прогресс, 1990. – С.15.

²⁰Внукова Н.Н., Ольховников О.В. Мир лизинга. – Харьков.: Основа, 1994. – С.38-39.

муносабатларини мустақил соҳа сифатида ажралиши билан боғлиқ. Хусусан мазкур босқич ҳар бир давлатнинг қонун ва қонуности нормаларини яратилиши билан тавсифланади. Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШ ҳукумати томонидан даромад келтирувчи (cost plus contracts) шартномавий муносабатларни олиб бориш юқори даражада қўллаб-қувватланди. Бу эса лизинг бизнесининг ривожланишига муҳим тurtки бўлди. Шундан кейингина АҚШда турли техника ҳамда жиҳозларни молиялаштиришга бўлган талаб сезиларли даражада ошади. Лизинг орқали ишлаб чиқариш воситаларини, яъни техник асбоб-ускуналар, машиналар, кемалар, самолётларни оммавий тартибда лизинг шартнома асосида ўтказиш амалиёти ривожланади.

Фаолияти доираси лизинг операциялари билан боғлиқ бўлган дунёдаги биринчи акциядорлик жамияти 1952 Сан-Францискодаги машҳур Америка компанияси "United States Leasing Corporation" эди. 1952 йил Калифорнияда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи унча катта бўлмаган фирма ҳарбий идорадан йирик буюртма олади ва уни бажариш учун машиналар мажмуини кўпайтириши лозим бўлади. Лекин фирмада буюртмани бажариш учун етарли даражада эркин воситалари ҳамда айланма пул маблағи бўлмай, бу муаммони ечиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Унинг ижобий натижаси сифатида машиналарни лизингга олиш ҳамда шу шаклда мулкларга эгалик қилиш учун молиялаштириш жараёнини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундай операциянинг фойда келтиришини билган ва ишонган фирма таъсисчилари нафақат уларга керакли машинани лизингга беришни хоҳлади, балки компания таъсисчилари 20 минг АҚШ доллари билан "United States Leasing Corporation"ни ташкил этдилар. Икки йилдан сўнг бу фирма 3 миллион АҚШ долларидадан ортиқ миқдорда машина ва жиҳозларни лизингга беради. Лизинг операциялари АҚШ ҳудудига тезда ёйилди ва "лизинг бизнеси" тараққиётида "ҳалқаро лизинг" деган тушунча пайдо бўлди. Компания бошқа мамлакатларда ўз филиалларини оча бошлади ва 1959 йилда

Канадада компаниянинг дастлабки филиали ташкил этилди. Шунингдек, АҚШ савдо банклари ўтган аср 60 йилларининг бошларидан лизинг операцияларида қатнаша борди. Айниқса, лизинг бизнесини кенгайтиришда жихозларни, кейинроқ кўчмас мулкни ҳам ижарага берувчи шўъба корхоналарининг очилишига банклар учун рухсат берган Федерал Бошқарув Кенгашининг 1971 йилда қабул қилган қарори катта аҳамиятга эга бўлди²¹.

Европанинг илғор мамлакатларидаги биринчи лизинг компаниялар ўтган асрнинг 60 йиллари бошидаёқ пайдо бўлиб, бугунги кунда лизинг операцияларининг ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Францияда биринчи лизинг компанияси 1957 йилдан SEPAFITES (1962 йилдан-Locafrance) номи билан вужудга келган бўлса, Англияда замонавий лизинг бизнесига илк қадам ташлаган компания "Mercantile Leasing Company" бўлиб, у 1960 йил 8 июнда "Mercantile Credit Company" ва "United States Leasing Corporation" ўртасидаги қўшма корхона сифатида, Италияда 1962 йилда, Германияда эса "Local Lease Mietfinanzierung GmbH" лизинг компанияси 1962 йилда таъсис этилган.

Ички ва ташқи бозорларда рақобатнинг кескин ошиб бориши нафақат жихозларнинг техник таснифини, балки истеъмолчига таклиф этилаётган молиявий хизматларнинг яхшиланиши бўйича ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан лизинг биринчидан, истеъмолчиларнинг қўшимча талабларини қондиради, иккинчидан ишлаб чиқариш доирасини кенгайтириш ҳисобига даромадни ошириш имкониятини беради.

Америка лизинг компаниялари амалиётида шундай лизинг шартномалари учрайдики, шартнома шартларига кўра доимий тўловлар ускуналарнинг унумдорлиги ёки ускуналарнинг ишлатилиш муддатига қараб белгиланади²². Лизинг олувчига шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб ускунанинг яроқлилиги билан танишиб чиқиш ва синаб кўриш

²¹Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии. –М.: Правовая культура, 1997.– С.17.

²²Terry Jand Williams B. **Profitable Equipment Leasing: A Practical Guide for Bankers** // Bankers Publishing Company. –Boston.:–1987. –P. 267.

имкони бериледи, ускуна талабларга жавоб берса сотиб олиниши мумкин. Лизинг шартномасидан одатда техника ва технологияларга мухтож янги ташкил этилган ва ускуна сотиб олишга етарли маблағи бўлмаган компаниялар фойдаланадилар.

Лизинг муносабатлари жаҳонда тезда тарқалишига қармасдан, унинг ягона халқаро тан олинган ҳуқуқий тузилмаси айна вақтда мавжуд эмас. Шунингдек, бу мураккаб шартномавий муносабатларнинг тушунчаси ва лизинг атамасининг турлича талқин қилиниши, албатта бир неча мамлакатлар ҳуқуқий базасидаги фарқларга боғлиқ. Ҳаттоки цивилист олимларимиз томонидан тайёрланган лизинг муносабатларига оид ҳуқуқий адабиётларда бир неча лизинг атамаларидан фойдаланиш ҳолатлари ва лизинг муносабатларига оид атамаларнинг номукаммалиги кузатилмоқда. МДҲ мамлакатларининг баъзиларида лизинг муносабатларини "Молиявий ижара"²³ дан, баъзиларида эса "лизинг" атамасидан фойдаланилсада,²⁴ Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳуқуқ тизимида "лизинг" деганда оддий ижара муносабатлари тушунилади²⁵. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида белгиланган лизинг муносабатлари континентал ҳуқуқ тизимидаги ашёвий ижара муносабатларига тўғри келади²⁶. Лизинг қонунчилиги ва амалиётида мазкур муносабатларни тартибга солишда ханузгача аниқ бир атамадан фойдаланиш ҳолатлари кузатилмайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур муносабатни "лизинг" эмас, балки умум тан олган "молиявий лизинг" атамасидан кодекс ва қонунчиликда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунига миллий ва

²³Комментарий к Федеральному закону "О финансовой аренде (лизинге)". – М.:Норма, 2003.– С.23.

²⁴Law of the Azerbaijan Republic on Leasing Activity // The present Law regulates leasing relations in the Azerbaijan Republic, determines rights and obligations of subjects of leasing contract. Article 9.Baku, 29 november 1994.№ 930.

²⁵Аниқроғи – молиявий ижара, чунки "лизинг" сўзи таржима эмас, балки инглиз тилидаги "ижарани" билдирувчи атамага синоним сўздир. Козырь О.М., Маковского А.Л., Хохлова С.А. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель. – М.: –1996. – С. 344.

²⁶Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. - 223 б.

халқаро лизинг субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи меъёрлар киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Миллий қонунчилигимизда халқаро лизинг муносабатларини тартибга солувчи нормаларни белгилаб қўйиш, норезидент лизинг компанияларнинг Ўзбекистондаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солади ва қафолатлайди. Бу ўз навбатида, халқаро лизинг бозорини ривожланишига ва хорижий субъектлар билан тузиладиган лизинг шартномасидан келиб чиқадиган муаммоларни олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси лизинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунга эга бўлган мамлакатлар гуруҳига киради. Ўзбекистон фуқаролик қонунчилиги замонавий ҳуқуқий тизимининг бир қисми сифатида роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб. Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари 1996 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг 587-599 моддалари ҳамда 1999 йил 14 апрелда жорий этилган “Лизинг тўғрисида”ги Қонун нормалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

1.2. Молиявий лизинг турларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш

Амалиётда лизингдан тўғри фойдаланиш учун уни амалга оширишни тури, шакли, усулини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Лизинг операцияларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

- лизинг объектига кўра: кўчар мулк лизинги ва кўчмас мулк лизинги;
- лизинг муддатига кўра: молиявий, оператив, узоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли лизинг;
- амортизация шартларига кўра: тўлиқ амортизацияли лизинг, тўлиқ бўлмаган амортизацияли лизинг;
- молиялаш усулига кўра: муддатли, қайта ташкил этилувчи лизинг;

- киритилган маблағларни қайтарилишига кўра: сарф-ҳаражатларни тўлиқ қайтариш шарти билан тузилган лизинг, сарф-ҳаражатларни қисман қайтариш шарти билан тузилган лизинг;
- лизинг битимининг катталигига кўра: кичик, стандарт (ўрта), катта лизинг;
- бозор ҳудудига кўра: ички, халқаро, транзит лизинги;
- битим тузган ташкилот турига кўра: тўғри, воситачи, қайтарувчи, “левередж-лизинг”;
- хизмат кўрсатиш доирасига кўра: тоза, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган хизматлар тури, комплекс, асосий (бош) лизинг;
- лизинг тўловлари турига кўра: пулли, компенсацияланган, аралаш лизинг.

Лизинг муносабатларини турли квалификацияси битим тузиш (ташкил этиш) шакли, давомийлиги, тарафлар мажбуриятининг ҳажми, лизинг объектларини хусусиятлари, уларни эскириш шартлари, лизинг тўловларининг турлари, солиқ имтиёзларига муносабатлари ва х.к.ларга боғлиқ.

Энди эса юқорида кўрсатилган халқаро молиявий лизинг турларининг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Битим объектлари бўйича лизинг кўчар мулк (йўл, хаво, денгиз транспорти, вагонлар, контейнерлар, алоқа техникалари) лизингига ва кўчмас мулк (савдо ва идора бинолари, ишлаб чиқариш хоналари, омборхоналар) лизингига бўлинади.²⁷

Кўчмас мулки лизингида лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғи билан кўчмас мулкни қурилишини амалга оширади ёки уни сотиб олади ва унга ишлаб чиқариш ва иқтисодий мақсадларда

²⁷ Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари./ О.Т.Ҳазраткулов. – Т.: Noshir, 2014. – 59 бет.

фойдаланиш учун тақдим этади. Кўчар мулк лизинг битимларидек, шартнома объектни эскириш (амортизация) муддатига яқин муддатга тузилади.

Лизинг муддати ва ҳуқуқий таркиби мураккаблиги бўйича молиявий ва оператив лизинг турлари мавжуд. Молиявий лизинг бир қатор хусусиятларга эга:

- лизинг мулкни ва уни сотувчисини (етказиб берувчини) танлашни лизинг олувчи амалга оширади;

- мулкни ҳарид қилишда қисман ёки тўлиқ молиялаш лизинг берувчи томонидан сотувчини мулкни лизинг бўйича лизинг олувчига топшириши ҳақида оғохлантириш шарти билан амалга оширади;

- лизинг процесси иштирокчилари (сотувчи (етказиб берувчи), лизинг берувчи ва лизинг олувчининг муносабатлари солидар иштирокчилар ҳисобланади;

- мулкни етказиб бериш шартлари бўйича жавобгарлик лизинг олувчи олдида мулкни етказиб берувчиси (сотувчиси) зиммасида бўлади. Агар лизинг шартномасида бошқача ҳолат қайд этилмаган бўлса, олди-сотди (товарни етказиб бериш) шартномаси бўйича сотувчи (етказиб берувчи)нинг мажбуриятлари бўйича лизинг берувчи лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди (сотувчи (етказиб берувчи)ни танлаш бўйича жавобгарлик лизинг олувчига юклатилган ҳолатлар бундан мустасно;

- лизинг олувчи шартнома муддати тугагунга қадар мулкни сотиб олиш ҳуқуқига эга;

- мулкни суғурталаш ва унга хизмат кўрсатишни лизинг олувчи амалга оширади;

- мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, шикастланиши, йўқолиши хавфи юзасидан жавобгарлик шартномада бошқача

ҳолат кўрсатилмаган бўлса, лизинг олувчига мулк топширилган пайтдан ўтади;

- лизинг шартномаси давомийлиги мулк хизмат қилиши учун белгиланган муддатни инобатга олган ҳолда тузилади;
- шартнома муддатида лизинг тўловлари ҳажми шартнома тузилган вақтдаги мулкнинг тўлиқ қиймати ҳажмида бўлади;
- лизинг мулкни ҳисобга олиш лизинг берувчининг балансида ва лизинг олувчининг 001-ҳисобида ёки ўзаро келишувга кўра амалга оширилади.

Қўшимча маблағ жалб қилинган молиявий лизингда (инг. *finance lease*; инвестицион лизинг ёки тўлиқ амортизацияли лизинг деб ҳам номлашади) лизинг мулкни харид қилиш билан бирга кафолатлар, гаровлар ва суғурталаш тизими ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда лизингни харид қилишни уч варианты мавжуд:

биринчиси – лизинг олувчи мустақил равишда мулкни ва сотувчи (етказиб берувчини) танлайди, лизинг олувчи эса мазкур битим ҳаққини тўлаш билан чекланиб қолади;

иккинчиси – лизинг берувчи сотувчини (етказиб берувчини) танлайди, мулкни етказиб бериш шартлари бўйича лизинг олувчи олдида ўзи жавобгар бўлади;

учинчи вариантда эса – лизинг берувчи сотувчи (етказиб берувчи) операциялари бўйича лизинг олувчига ваколат беради.

Молиявий лизинг энг кўп тарқалган лизинг тури ҳисобланади. Унга кўра мулк узоқ муддатга лизингга берилади ва ундан фойдаланиш муддатида мулкнинг қиймати тўлиқ қопланади. Буни мазмунан, ҳаракатдаги капитал кўринишидаги узоқ муддатли кредит деб тушунсак ҳам бўлади.

Оператив лизинг шартномаси (*operating lease*; қисман амортизацияли лизинг) бўйича мулк лизинг олувчига уни хизмат қилиш муддатидан кам муддатга топширилади, бу эса лизинг

берувчига мулкни бир неча маротаба лизинга бериш имкониятини туғдиради. Оператив лизинг шартномаси муддати *бир суткадан уч йил* муддатгача бўлган вақтга тузилади. Шу сабабли оператив лизинг шартномаси объекти бўлиб қисқа муддатли, бир марталик, мавсумий ишларни бажариш учун зарур бўлган автомобиллар, самолётлар, техниканинг бошқа турлари бўлади. Оператив лизинг шартномаси бўйича мулкни танлаш ҳуқуқи лизинг олувчига берилган, фақат танлаш имконияти доираси лизинг берувчининг омборхонасида мавжуд бўлган мол-мулк билан чекланади²⁸.

Россия Федерациясининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунга кўра, лизингни асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- Узоқ муддатли лизинг (3 йилдан ортиқ муддатга тузилган битимлар)
- Ўрта муддатли лизинг (1,5 йилдан 3 йилгача)
- Қисқа муддатли лизинг(1,5 йилгача)

Лизинг битимларини молиявий ва оператив турларига бўлиниши уларни ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисоботини юритишда уларнинг хусусиятларини акс эттиради ва мулкдан фойдаланиш шартларига кўра тўлиқ амортизацияли лизинг ва қисман амортизацияли лизинг учрайди.

Тўлиқ амортизация (эскириш) молиявий лизингга хос:

- 1) мулкни эскириш муддати билан битимни муддати тўғри келиши;
- 2) бир марталик лизинг бўйича ҳам мулкнинг тўлиқ қиймати тўланиши.

Аксарият давлатларнинг “Лизинг тўғрисида”ги қонунида тарафлар келишувига кўра ва келгусида солиқ органларни

²⁸ Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари./ О.Т.Ҳазраткулов. – Т.: Noshir, 2014. – 61бет.

огоҳлантириш шарти билан мулкни тез эскириш коэффициенти кўрсатилади.

Қисман амортизацияли лизинг мазмуни бўйича оператив лизинг белгиларига мос келиб, мулк қийматининг бир қисмини тўлашни белгилайди.

Молиялаш усули бўйича муддатли лизинг (бир мартали ижара), янги тикланадиган лизинг(лизинг шартномасининг биринчи муддати тугаганидан сўнг ҳам лизинг муносабатлари давом этади)ларга бўлинади.

Сарфланган маблағларни қайтариш бўйича сарф-ҳаражатларни тўлиқ қоплаш шарти билан тузилган лизинг ва ҳаражатларини қисман қоплаш шарти билан тузилган лизингга ажартиш мумкин.

Тўлиқ қоплаш шарти билан тузилган лизингда (full payout lease) лизинг берувчининг барча ҳаражатлари (шу жумладан, кредит бўйича фоизлари) ва лизинг берувчининг фойдаси лизинг тўловларига кўшилади.

Ҳаражатларни қисман қоплаш шарти билан тузилган лизингда (non-full payout lease) лизинг берувчининг ҳаражатлари қисман қопланади ва шу сабабли лизинг шартномаси муддати тугаганида лизинг берувчи лизинг объектини бошқа шахсларга ёки лизинг олувчини ўзига топшириши ёхуд фойда олиш мақсадида сарф-ҳаражатларнинг қолган қисмини қоплаш учун лизинг объектини сотиши лозим.

Лизинг битимларини катталиги бўйича амалиётда кичик, стандарт (ўрта) ва катта лизингга квалификация қилиш мумкин.

Кичик лизинг кўп давлатларда кенг тарқалган. Бундай битимларни предмети бўлиб компьютер, оргтехника, телефон станциялар, хавфсизлик тизимлари ва ҳ.к бўлиши мумкин.

Ҳозирда кичик лизинг бўйича бозор чекланган. Лекин бу соҳада кичик лизингни ривожлантириш учун ҳаракат қилинмоқда.

Кичик лизинг бозорининг чекланганлигини асосий сабаблари, кичик лизинг тузиш, уни расмийлаштириш жараёни ва ҳажми катта лизинг шартномаси тузиш ва расмийлаштириш жараёнидан фарқ қилмайди. Шу билан бирга кичик лизинг бўйича фойда унча катта бўлмагани, кичик лизинг билан шуғулланиш кўп вақтни ва сарф-ҳаражатни оқламаслиги сабабли, лизинг компаниялари кичик лизинг билан шуғулланишни хохламайдилар.

Шунга қарамасдан, ривожланган давлатларда кичик лизинг мазкур соҳанинг аҳамиятли қисмини ташкил қилади. Шу билан бирга лизинг компаниялари ўз фаолиятини бошланишида фақат катта лизинг билан шуғулланишни мақсадга мувофиқ деб биладилар.

Ўрта лизинг бозорда эҳтиёжли объектларга нисбатан тузилади: турли мини-заводлар, технология жихозлари ва х.к. Мижозларни танлаш лизинг компаниялари томонидан уларни фаолиятини молиялаштирган банк орқали топилади. Ўзининг банк тизими орқали мижозлар билан ишлашда лизинг компаниялари лизинг олувчи ташкилотлар ҳақида тўлиқ ва ишночли маълумотга эга бўладилар, иккинчидан эса, лизинг шартномаси бўйича молиялаштириш (кредитлаш) осонроқ кечади. Чунки бундан молиялаштирган банк ҳам манфаатдор бўлади.

Катта лизинг битимлари катта объектларга қаратилган: самолёт, денгиз транспортлари, энергетика технологиялари ва х.к. Бозорнинг бу секторидида ишлаш катта маблағга эга бўлишни, алоҳида буюртмачиларга ва лизинг олувчиларга молиявий схема тайёрлаш бўйича билимларга эга бўлган лизинг берувчи мутахассисларини малакали тайёргарлигини талаб қилади.

Лизинг битимлари иштирокчиларини жойлашуви бўйича халқаро ва ички лизинг турларига бўлинади.

Ички лизингда лизинг битимининг барча иштирокчилари шу давлатдаги шахслар бўлишади.

Халқаро лизингда эса лизинг берувчи ёки лизинг олувчи бошқа давлатга алоқадор бўлиши лозим. Лизинг шартномаси бўйича маҳсулот чет элдан олинаётган бўлса, лизинг олувчи давлатида лизинг *импорт лизинги* деб ҳисобланади, агар мулк лизинг олувчи давлатида олинаётган бўлса, унда лизинг *экспорт лизинги* ҳисобланади.

Импорт ва экспорт лизингларининг фарқи лизинг берувчи ва лизинг олувчи жойлашган давлат билан аниқланади.

Импорт лизингида сотувчи (етказиб берувчи) чет элда жойлашган бўлади, экспорт лизингида эса – чет эл партнери сифатида лизинг олувчи бўлади.

Халқаро ҳуқуқда яна бир лизинг тури мавжуд - **транзит лизинги**, бунда сотувчи (етказиб берувчи) лизинг олувчи ва лизинг берувчи турли давлатларда жойлашган бўлади.

Халқаро транзит лизинги бўйича лизинг олувчи бошқа давлатда кредит ёки тегишли мулкни харид қилади ва учинчи давлатда жойлашган лизинг олувчига бу мулкни беради.

Транзит операциялари миллий лизинг олувчилар билан ҳамкорликда бўлган шўъба лизинг фирмалари тизимида эга бўлган транснационал корпорациялар ва банклар томонидан назорат қилинади.

Инвестициялашда транзит лизинги, тўғри лизинга нисбатан бир қатор имтиёзларга эга:

- лизинг олувчи давлатининг молиялаш манбаларига кириш имконияти;
- валюта алмаштириш билан боғлиқ хавфнинг камайиши;
- лизинга топшириладиган мулк номенклатурасининг кенгайиши;

- чет элга лизинг тўловларини ўтказишда солиқ тўскинликларининг камайиши;
- чет эл ҳамкори бўлган лизинг олувчи фаолиятидаги чекловларнинг ечилиши;
- чет эл фуқаролари номига мулкни рўйхатга олиш жараёнининг соддалаштирилганлиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бозори кенгайди.

Ташкиллаштириш шакли ва операцияларни ўтказиш техникаси бўйича тўғри, воситачи, қайтарувчи, “левередж-лизинг” квалификацияси учрайди.

Лизинг берувчи ва ишлаб чиқарувчи битта шахс бўлганида *тўғри лизинг* деб аталади.

Лизинг операцияларини амалга ошириш учун мулкни ишлаб чиқарувчи ўз структурасида маркетинг хизматига кирувчи махсус бўлинмалар ташкил қилади. Воситачисиз ишлаш нафақат битим механизмини соддалаштиради, балки уни ташкил қилиш учун ҳаражатлар миқдорини камайтириб, ишлаб чиқарувчи корхона учун кўпроқ фойда олиш имкониятини беради. Кўрилган фойда эвазига корхона маркетинг хизматини кенгайтиради ва унинг фаолияти маҳсулот сотиш бозорини кенгайтиради ва ишлаб чиқаришнинг молиялаштирилишини янада такомиллаштиради.

Воситачи лизинг дейилганда, мулкни лизингга воситачи орқали бериш тушунилади.

Лизинг битимлари оддатда воситачи лизинг шаклида тузилади. Бу лизинг тури маҳсулотни ссуда шартномаси орқали сотишга ўхшашдир. Воситачи бир вақтнинг ўзида лизинг берувчи бўлиб, дастлаб сотувчи мулкни молиялаштиради ва уни лизинг олувчига топширади, сўнг ундан лизинг тўловларини олади. Воситачи лизингда камида учта шахс иштирок этади: сотувчи (етказиб

берувчи), лизинг берувчи ва лизинг олувчи. Воситачи лизинг иштирокчилари бундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Қайтарувчи лизингга (sale and leaseback) лизинг олувчи ва етказиб берувчи битта шахс бўлган битимлар киради. Лизинг олувчи (ишлаб чиқарувчи) лизинг олувчига ўзининг жихозини ёки корхонасини тўлиқ топширади ва бир вақтнинг ўзида бу мулкни лизингга олади, шу билан бирга мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Лизинг олувчи мулкдан ҳар қандай мақсадда фойдаланиши мумкин, лизинг шартномаси бўйича эса лизинг тўловларини умумий тартибда амалга оширади.

Қайтарувчи лизингни маблағларни мулкий гаров эвазига олиш билан адаштирмаслик керак, чунки гаровни ўзи расмийлаштирилмайди. Тадбиркорлар шуни назарда тутишлари лозимки, қайтарувчи лизингни амалга оширишда мулк ҳуқуқи йўқолади.

“Левередж-лизинг” (leveraged lease; кредитлик, улушли, алоҳида) турига бир ёки иккита лизинг компаниялари лизинг битимларини молиялаштиришга имкониятлари бўлмасдан, инвестициялаш учун беш ва ундан ортиқ лизинг компаниялар жалб қилинувчи лизинг битимлари киради. Асосий лизинг берувчи бу ҳолатда мулкнинг бир қисми қийматини тўлайди, қолган қисмини тўлаш учун бошқа лизинг берувчиларни жалб қилади. Мулкдор бўлиб эса асосий лизинг берувчи бўлиб қолади, ва бу билан боғлиқ барча оқибатлар унинг зиммасига юклатилади²⁹.

Лизинг олувчига хизмат кўрсатиш хажми бўйича лизинг тоза, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган хизматлар каби турларга бўлинади.

²⁹ Кабатова Е.Б. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: ИНФРА-М, 1998. – С. 27

Тоза лизинг – лизинг берувчи мажбуриятларига лизинг олувчининг бирорта хизмат кўрсатиш мажбурияти кирмайди.

Тоза лизингда мулкдан фойдаланиш, уни таъмирлаш ва суғурталаш бўйича ҳаражатлар лизинг олувчи зиммасида бўлади ва улар лизинг тўловлари таркибига кирмайди. Лизинг олувчи мулкни иш ҳолатида сақлаш, унга хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади ва лизинг шартномаси муддати тугаганида лизинг шартномасида белгиланган ҳолатда лизинг берувчига қайтариши шарт.

Тўлиқ лизинга таъмирлаш, суғурталаш ва ходимларни тайёрлаш, реклама ва маркетинг бўйича техник хизмат кўрсатиш комплекс тизимини ташкил қилишни назарда тутган битимлар киради. Лизинг берувчи мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолиш билан бир вақтда битим муддатида мулкка солиқ тўлаш мажбуриятини олади.

Тўлиқ лизингни бошқа лизинг турлари олдидаги имтиёзлари шундан иборатки, кенг спекторга эга бўлган юқори малакали хизматлар лизингни ривожлантиришга олиб келади. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиради ва рақобатбардошлигини оширади. Лизинг мулкни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида қуйидаги сервис хизматлар кўрсатилиши мумкин .³⁰

Комплекс лизингда топшириладиган мулкни қийматидан ташқари, лизинг берувчи лизинг предмети бўйича лизинг олувчига маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарурий бўлган кўшимча капитал киримларни ҳам инвестициялайди (хом-ашё сотиб олиш ва х.к.).

Чет эл амалиётида *бош лизинга* оид битимларни тузиш кенг тарқалган. Мазкур шартнома бўйича янги шартнома тузмасдан лизинга бериш учун мулкка талабномани тўлдириш ҳуқуқини беради.

³⁰ Лизинг в станкостроении. /Под ред. М.И.Лещенко. - М.:Машиностроение,1996.

Бош лизингда ҳар сафар лизинг шартномаси тузмасдан, лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида лизинг линияси тузиш бўйича келишув имконияти юзага келади ва бу билан лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасида ҳамкорлик янада яқинлашади.

Лизинг мулкни ишлаб чиқаришни турли босқичида сервис хизматлари кўрсатилади.

Шароитга кўра, бундай хизматлар ўз тизимида махсус таъмирлаш хизматлари бўлган лизинг берувчи (лизинг компаниялари), мулкни ишлаб чиқарувчи ва унинг филиаллари, лизинг берувчи томонидан назорат қилинадиган махсус сервис ташкилотлари ёки пудрат шартномаси асосида фаолият кўрсатувчи мустақил ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Қисман хизмат турларига эга бўлган лизинг ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, техник хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларнинг тақсимланиши тарафлар келишувига асосан улар ўртасида бўлинади. Масалан, лизинг олувчи ўз зиммасига мулкни эксплуатация этиш қоидаларига риоя этиш, уни жорий таъмирлаш мажбуриятини олади, лизинг олувчи (лизинг компанияси) лизинг мулкни ҳолатини сақлаб қолиш ва ушбу ҳолатда ушлаб туриш мажбуриятини олади.

Лизинг тўловлари характери бўйича пулли, компенсацияланган, аралаш лизинг турлари мавжуд.

Пулли лизингда барча тўловлар пул шаклида амалга оширилади. Компенсацияланган лизинг тўловлари эса махсулот етказиб бериш, қарши хизматлар шаклида амалга оширилади.

Аралаш лизингда эса – пулли ва компенсацияланган тўловлардан иборат. Бунда бартер (айрбошлаш) битим элементлари мавжуд бўлади.

Бундан ташқари сублизинг турини ҳам ажратиш мумкин, бу учинчи шахснинг ҳуқуқдан воз кечиши билан боғлиқ

муносабатлардир. Бундай муносабатлар сублизинг шартномаси шаклида тузилади. Сублизинг амалга ошираётган шахс лизинг предметини лизинг олувчидан лизинг шартномаси бўйича олади ва лизинг олувчига ундан вақтинча фойдаланиш учун сублизинг шартномаси бўйича беради.

Лизинг предметини сублизингга беришни асосий шарти лизинг берувчининг ёзма розилигидан иборат. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари бўйича ўз мажбуриятларини учинчи шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Халқаро сублизинг бўйича лизинг предметини чегарадан олиб ўтиш фақатгина лизинг шартномаси муддатида амалга оширилиши белгиланади.

Халқаро амалиётда лизинг шартномаси тури сифатида **“дабл дин”** битимларини кўрсатиш мумкин. Унинг маъноси икки ва ундан ортиқ давлатда солиқ имтиёзларининг комбинациясидан иборат. Масалан, 80-йилларнинг бошида самолётларни сотиб олиш АҚШ ва Буюк Британия томонидан **“дабл дин”** битимлари асосида кредитланган. Буюк Британияда ижара олувчида мулк ҳуқуқи вужудга келганда солиқ имтиёзлари катта белгиланган. АҚШда эса – ижара олувчида фақат эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлганида бундай имтиёзлар белгиланган. Буюк Британия лизинг компанияси самолётни сотиб олиб, америка лизинг компанияларига ижарага беради, у эса ўзининг миллий авиакомпанияларига беради³¹.

Сўнги вақтларда амалиётда лизинг компаниялари ва жихоз ишлаб чиқарувчилар ўртасида келишув тузиш кенга тарқалмоқда. Бу келишувларга мувофиқ, лизинг компанияларининг номидан ишлаб чиқарувчи лизинг орқали мижозларга ўзини махсулотларини молиялаштиришни таклиф қилади. Шундай қилиб,

³¹ Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари./ О.Т.Ҳазраткулов. – Т.: Noshir, 2014. – 69 бет.

лизинг компанияси етказиб берувчининг савдо тармоғидан фойдаланади, етказиб берувчи эса маҳсулотни сотиш бозорини кенгайтиради. Бундай битимлар “сотишда ёрдам бериш” (sales-aid leasing) битим номини олган.

Таркибли лизинг - бир вақтнинг ўзида бир нечта лизинг турларидан иборат бўлиши мумкин.

Кўрсатилган лизинг турларининг барчаси бир хил қўлланилмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, энг кўп қўлланадиган лизинг турлари бу молиявий ва оператив лизинг шартномаларидир. Бу ҳолат халқаро лизинг муносабатларига ва шу билан бирга миллий лизинг муносабатларига ҳам хосдир³².

1.3 Лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили

Европа мамлакатларида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий табиати тўғрисида бир қанча назариялар яратилган бўлса-да, LEASEUROPEнинг I сессияси қатнашчилари томонидан "ҳеч ким лизинг нима деган саволга шу пайтгача аниқлик кирита олмаган ва турли давлат ҳуқуқшунослари бу саволга ҳанузгача жавоб топиш умидидан воз кечганича йўқ"³³ деган тўхтамга келишган. Шунингдек, лизинг муносабатларига оид ҳуқуқий адабиётларда турлича назариялар илгари сурилган бўлиб, бу назарияларнинг асосида лизинг жиҳатлари кўрсатиб берилади. Баъзан сотувчи ва лизинг олувчининг одатдан ташқари муносабатлари, баъзан лизинг олувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми деярли мулк эгаси ҳуқуқларига тенглаштирилган кўринишда бўлиши мумкин. Лизинг шартномасида ижара шартномасининг белгилари тўлиқ мавжуд эканлиги, лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи

³²Марышевой Н.И. Международное частное право. – М.: Контракт, Инфра-М, 2000. - 345 с.

³³ Rapport sur le contract de credit-bail (leasing). UNIDROIT. –1995. –P.17., Кабатова Е.В. Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. – М.: Институт государства и права, 1991. – С.18., Харитонов Ю.С. Договорлизинга. – М.: Юрайт-М, 2002. – С.71.

ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган Г. Бук ва К.Ларенцлар ушбу шартномавий муносабатни "ўзига хос"лигини исботлаб берувчи концепцияни илгари суришган³⁴. Бироқ лизинг операциясининг алоҳида белгилари мавжудки, уларни "ўзига хос хусусиятли" деб талқин этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки цивилист олим Ж.Эссер ва бошқа олимларнинг таъкидлашича, лизинг шартномасида сотиб олиш опцион мавжуд бўлиб, унда тўлов муносабатларининг алоҳида тури сифатида олди-сотди шартномаси алоҳида ўрин тутди³⁵. Шунингдек, Ж.Платье "ҳуқуқни сотиб олиш"(rechts-rauf) назариясини илгари суради ва унда лизинг олувчи лизинг берувчидан ускунадан белгиланган муддат мобайнида фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олади³⁶. Юқорида келтириб ўтилган назарияларда ҳам шартномавий муносабатларнинг бутун мажмуаси эмас, балки лизинг шартномасининг айрим қисмлари кўриб чиқилган холос. Ушбу назарияларда лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий моҳияти ўзининг тўлиқ аксини топмаган. Бизнинг фикримизча, лизинг шартномасининг тушунчаси усқунани вақтинча фойдаланишга бериш билан тугалланиб қолмайди.

Бундан ташқари, айрим муаллифлар лизинг операцияси ўзида топшириқ шартномаси белгиларини мужассамлаштирган шартнома деб ҳисоблайдилар. Франция Фуқаролик кодексининг 1984-моддасида топшириқ шартномасига таъриф берилган бўлиб унга кўра "бир тараф иккинчи тарафга нисбатан ҳуқуқий ҳаракатлар олиб бориш ёки унинг номидан иш кўриш ваколатини беради"³⁷. Бу қарашлар Франция ва Германияда кенг тарқалган бўлиб уларнинг фикрича, фойдаланувчи махсус компания зиммасига бирор-бир мулкни қўлга киритиш мақсадида топшириқ беради ва бу мулк улар орасидаги шартнома предмети бўлиб хизмат қилади. Бу топшириқни лизинг

³⁴Book H. Leasing in Deutschland // –Frankfurt-M. – 1986. –P.28., Larenz K. Lehrbuch des Schuldrechts.–Munchen-B.–1987. –P.54.

³⁵Esser J. Schuldrecht.–Karlsruhe.: –1989.–P.167.,Stauder B. Le contrat de "Finance-Equipment-Leasing". – Geneva. –1970. – P.56.

³⁶PlatheJ. Die RechtlicheBeurteilung des Leasing-Geschäfts. – 1982. – P.233.

³⁷Кабатова Е.В. Новые формы передачи машин и оборудования во временное пользование (лизинг) в гражданском праве буржуазных государств. – М., 1981. –С.50.

компанияси ишлаб чиқарувчи корхона билан олди-сотди шартномаси асосида бажаради, сўнгра лизинг берувчи ва лизинг олувчи шартномавий муносабатда ўз тутган ўрнини алмаштиради. Бу алмашинувда ўз-ўзидан лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига ускунани қабул қилиб олишни ва ускуна сифатига боғлиқ шикоятларни мулкнинг бирламчи эгасига, яъни сотувчига билдириш ҳуқуқини топширади. Француз доктаринаси бўйича яна бир назария мавжуд бўлиб, унга кўра лизингга учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома деб қаралади. Бу назария тарафдорлари ишлаб чиқарувчи ва лизинг компанияси фойдаланувчи манфаатлари бўйича шартнома тузадилар деб ҳисоблайдилар³⁸.

Шундан келиб чиққан ҳолда халқаро молиявий лизинг шартномасининг моҳиятини очиб бериш, ушбу шартнома предметига оид коллизия масалалар ечимини тўғри танлай билиш, хорижий давлатлар лизинг қонунларининг қиёсий таҳлилига алоҳида тўхталиб ўтиш ва бунинг ижобий натижаси сифатида миллий лизинг қонунчилигини ривожлантириш масалаларини қуйида кўриб чиқишни лозим топдик.

АҚШда лизинг шартномаси ва унга шартли равишда олди-сотди шартномасини жалб қилиш, улар ўртасидаги чегараларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Америка қонунчилигида шартли олди-сотди шартномаси таъминот битимлари тоифасига киритилган ва ушбу шартномаларни Ягона Савдо кодекси (9-бўлим) бўйича бошқарилади. Америка судлари ва солиқ органлари лизинг шартномасини аралаш муносабатлардан ташкил топганлигини турлича фарқларини очиб беради. Хусусан, лизинг шартномасининг тарафларига солиққа тортиш масалалари бўйича катта имтиёзларга эгаллик қилиш имкониятини беради. Солиқ органлари томонидан шартнома тарафлари имтиёзларга эга бўлиши учун "ниқобланган" олди-сотди шартномасини лизинг шартномаси кўринишида тақдим этган ёки этмаганлигини аниқланади. Судлар эса бу амалиётни бошқача таснифлайди,

³⁸Bey E.M. De la sumbiotiquedans les leasing et credit-bail mobiliers. –Paris.: –1987. – P.68., Wagner A. Leasing alsGeschäftsbesorgung?. –Tubengen.: –1991. –P.97., Calais J.Auloy.Le contrat de leasing. – Paris.: –1975. – P.131.

яъни улар учун кўрилаётган лизинг шартномаси таъминлаш битимлари тоифасига кириш ёки кирмаслиги муҳим ва бундан бошқа турдаги юридик оқибатлар келиб чиқиши мумкин. АҚШ қонунчилигига мувофиқ, тижорат банкларига айрим молиявий операциялар турларини амалга ошириш таъқиқланганлиги сабабли, бевосита банклар томонидан лизинг хизматлари кўрсатилмайди. Лизинг компаниялар банклардан алоҳида ажралган ҳолда фаолият олиб боради. АҚШ солиқ қонунчилигида шундай моддалар мавжудки, унда жисмоний шахслар ҳам ўзи топган даромадларига асбоб-ускуна сотиб олиш ҳамда уни лизингга бериш ҳуқуқига эга³⁹.

Континентал ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатларда ҳам англо-саксон ҳуқуқ тизимида бўлгани каби шартнома предметидан ижара муносабатлари орқали фойдаланилади ва товарларни шартли равишда сотиш амалиёти қўлланилади. Мисол тариқасида лизинг муносабатлари Францияда кредит-ижара (credit-bail) деб аталади ва 1966 йил 3 июлда қабул қилинган "Кредит-ижара билан шуғулланувчи корхоналар тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади. Лекин француз кассацион суди мулкни шартли равишда сотишга зид бўлган бундай лизинг битимни таснифлашни бекор қилди. Ҳозирги даврда француз ҳуқуқий амалиёти лизинг муносабатларини ҳуқуқий таҳлил қилган ҳолда қуйидаги қарорга келди: лизинг – бу ўрта ёки узоқ муддатли олиб бориладиган кредит операцияларидир. Бунда лизинг берувчи лизинг олувчининг буюртмасига биноан сотувчидан мулкни сотиб олиб, мулкни ижара шартлари асосида узоқ муддатга фойдаланиш учун бериш ва мулкни ижара муддати тугагач, лизинг олувчи томонидан сотиб олишни кўзда тутади⁴⁰. Лизингда бир неча шартномаларнинг чамбарчас боғлиқлиги концепциясига

³⁹Гозибеков Д., Собиров О.Ш., Мўминов А.Г., Кулжонов О.М. Лизинг муносабатлар назарияси ва амалиёти. – Т.: Fan va tehnologiya, 2004. –13 б.

⁴⁰World Leasing Yearbook // – London. –2000. <http://pravo2000.by.ru>, Жамен С. Лакур Л. Торговое право. – М.: Бек, 1993. – С.177.

қўшилувчи француз доктаринаси унинг бир-биридан ажралмас эканлигини таъкидлайди ва бу юзасидан суд амалиётининг хулосалари мавжуд. Агар лизинг олувчи шартнома предметига алоқадор фарқлар мавжуд бўлса, унда жавобгарлик масаласи ушбу қонунга биноан иш юритади (Наполеон Кодекси 1721-модда)⁴¹. Лизинг компанияси эса етказиб берувчига нисбатан савдо пайтида аниқланган камчиликлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларга асосланиб даъво қўзғатиши мумкин (Франция ФКнинг 1641-моддаси). Бу йўналишда Франция кассацион судининг 1990 йил олди-сотди шартномасининг лизинг предмети бўйича бекор бўлиши, агар унинг оқибатларини бартараф қилиш имконияти бўлса лизинг шартномасини ҳам бекор қилинишига олиб келиши тўғрисидаги қарори мантиқан муҳим аҳамият касб этган. Бундай лизинг муносабатларда шартномалар тузишнинг аниқ механизмида Франция лизинг компаниялари лизинг олувчиларга ускуналарнинг тавсифи ва баҳосини сотувчи билан келишиш учун ишончнома беради, кейин сотувчидан лизинг предмети талаб қилиб қилувчига ижарага топширади.

Белгия давлатида лизингни "молиявий ижара (location financement)" деб аталади ва ушбу муносабат французлар каби ҳуқуқий тартибга солинади. Яъни 1967 йил 10 ноябрдаги "Молиявий лизинг амалиётини юритувчи корхоналар тўғрисида"ги қироллик қонунида молиявий лизинг, ижара каби атамалар ва унга яқин категориялар ўз аксини топган. Бундан ташқари, бу ҳуқуқий нормалар лизинг муддати ва ускуналарни эксплуатация қилиш, амортизация муддати, лизинг предмети бўлажак ижарачининг кўрсатмаларига биноан сотиб олиш ўртасида муҳим фарқлар ҳақида кўрсатмалар мавжуд. Европанинг бир қатор мамлакатларида, хусусан Франция, Германия ва Италияда қонун лизинг мулкни опцион орқали сотиш мажбурийлиги сифатида эътироф этилади.

⁴¹ Ануфриева Л.П.Международное частного право. – М.: Бек, 2000. – С.306.

Италияда молиявий ижара шартномаси (operazione di locazione finanziaria) ўзгача аҳамият касб этиб, унда лизинг предмети бўлган саноат ускуналари ва жиҳозлари кўчмас мулкка нисбатан ўрнатилган қоидалар асосида тартибга солинади⁴². Бу ҳолатда лизинг берувчи лизинг предметини кўчмас мулкдан ажратган ҳолда лизинг шартномаси орқали бериши мумкин. Бундай қоидалар Франция ва Белгия қонунчилигида мавжуд эмас. Шунингдек, бу қоидаларни амалиётда қўллаш қийинчиликлар туғдириши мумкин. Чунки бу қоиданинг салбий оқибати лизинг олувчининг банкрот бўлганида билинади, яъни лизинг олувчи ускуналарни лизингга олиб уни кўчмас мулкка жойлаштиради ва шартнома предмети бўлган ускуна тегишли ашё сифатида унга қўшилади. Натижада лизинг олувчи банкрот бўлганида лизинг мулкни лизинг берувчига қайтариб бериш борасида муаммолар вужудга келиши мумкин. Англо-саксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатлар лизинг қонунчилигида эса ускуналарни ёки лизингга олинган мулкларни кўчмас мулкка айланишининг олдини олади, лизинг мулки мулкдор ҳисобланган лизинг берувчига қайтарилиши таъминланади.

Лизинг мунсабатларини ҳуқуқий тартибга солишда ҳуқуқнинг англо-саксон тизими муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, ҳар қандай шартноманинг таркибий қисмига англо-саксон ҳуқуқ тизимининг махсус институти тахминий шартлар сифатида киритилади. Бу эса судларда шартнома ҳақида келишувга эришган томонларнинг хоҳиш-иродасини тўлдиришга хизмат қилади ва лизинг шартномаси ҳам бундан мустасно эмас. Англия давлатининг "Товарларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги 1982 йилдаги қонунида ижара шартномасининг таркибига кирувчи тахминий шартлар санаб ўтилган⁴³. Англия ҳуқуқида лизинг ва мулккий ижара шартномалари "тобе ушлаб турувчи" деб номланувчи муносабатлар гуруҳига киритилади. Бу ерда лизинг шартномаси ҳеч қачон олди-сотди шартномасига айланмаслиги, унга опцион орқали

⁴² Richard M. Contino. *Negotiating Business Equipment Leases-Insider Strategies For Getting the Best Deal.* – New York./ McGraw-Hill, – 1995.–P.87.

⁴³ Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998. – С.65.

сотиб олиш кирмаслиги, лизинг шартномаси, ижара ва сотиш шартномалари ўртасидаги фарқни сақлаш учун белгилаб қўйилган. Англияда лизинг шартномаси кўпинча "махсус ижара" сифатида баҳоланади ва мазкур давлатда лизинг шартномасини оддий ижара шартномасини алоҳида бир тури сифатида ўрганилмайди.

АҚШда лизинг компанияларининг йирик ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар томондан ташкил қилинган ва бошқа лизинг компаниялар йирик назорат банкларига тегишли. Бу компанияларнинг фаолият соҳаси минтақавий банкларнинг таъсир доирасидаги ҳудудларга тўғри келади. Америка қонунларининг муҳим томони шундан иборатки, унда тижорат банклари томонидан муайян молиявий хизмат турларини бажариш тақиқланади ва лизинг компаниялари банклардан ажратилган. Бундан ташқари, ҳатто йирик суғурта компаниялари ҳам лизинг соҳасига алоҳида эътибор қаратади, яъни улар фаолиятини суғурталаш билан шуғулланади. АҚШ солиқ қонунчилиги бўйича юридик шахсларга ўз даромадлари ҳисобидан лизинг орқали ускуналар сотиб олиш кўпроқ фойда келтиради ва уларга солиққа оид имтиёзлар яратиб берилган⁴⁴.

Германияда 70-йилларга қадар лизинг шартномаси тўғрисидаги махсус қонун мавжуд эмас эди. У ерда амалга оширилаётган лизинг операцияси мулк қийматини тўлиқ тўланган ҳолда ижара шартномаси асосида амалга оширилар ва шартли олди-сотди аналогияси бўйича тасниф қилинар эди. Тузилган лизинг шартномаси ускуналарнинг тўлиқ амортизациясини ўз ичига олган ҳамда бекор қилинмайдиган асосий даврда кучда бўларди. Бунда ускуна учун қўшимча ҳақ умуман тўланмаслиги ёхуд ускуна учун шартномада белгиланган ҳақ тўланиши мумкин эди⁴⁵. Ҳозирда Германия давлатида ҳам лизинг бозори жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мамлакатда 57 та лизинг компанияси фаолият кўрсатмоқда ва улар

⁴⁴US Department of Commerce, Economics and Statistics Administration.– Bureau of Economic Analysis and Equipment Leasing Association of American. – New York.: – 2000. – P.345.

⁴⁵Колесинский А. Международная унификация финансового лизинга // Ж.: Международного права и международных отношений.– 2001. –№4. – С.21.

томонидан немис лизинг уюшмаси ташкил этилган. Лизинг битимларини солиққа тортиш тартиби Германия Федерал Молия вазирлиги томонидан белгиланган ва солиқ қонунчилигига мувофиқ тузилган лизинг шартномалари бўйича қатор солиқ имтиёзлардан фойдаланиш мумкин⁴⁶. Лекин профессор М.Мойбнинг таъкидлашича, Германиянинг Фуқаролик Тузуги яратилганлигига юз йил бўлган бўлса ҳам, бу мамлакатда лизинг муносабатларини тартибга солувчи махсус ҳуқуқ меъёрлари мавжуд эмас⁴⁷. Бу давлатда лизинг икки вариантда намоён бўлади: лизинг хариди ва лизинг ижараси. Лизинг муносабатларини тартибга солишда ё савдо муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқдан ёки ижара муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқдан фойдаланади.

Австрия давлатида эса лизинг предметининг хизмат муддати иқтисодий жиҳатдан ўртача 2 йилдан 15 йилгача муддатни ташкил этади. Шартнома муддати тугагандан кейин лизинг олувчининг лизинг предметига нисбатан эксплуатация муддатининг қолган қисмига нисбатан янги шартнома тузиш ёки шартнома предметини сотиб олиш мумкин. Австрияда лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда "Ижара тўғрисида"ги қонун асос бўлиб хизмат қилади. Бу давлатда лизинг бозори 25 йилдан буён ривожланиб келмоқда. Бу давлатда бугунги кунда лизинг шартномаси орқали ҳатто мактаблар, болалар боғчалари шахсларга фойдаланишга берилмоқда. Шунингдек, ушбу давлат ҳудудида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун лизинг шартномасининг муддати ускуналардан фойдаланиш даврининг 40-90 фоиздан ошмаслиги лозим⁴⁸.

Хитой Халқ Республикасида 1979 йилда халқаро лизинг фаолиятини амалга оширувчи қўшма корхоналар очиш ва фаолият олиб бориш учун рухсат берувчи қонун қабул қилинди. Молиявий лизинг шартномаларининг асосий қисми 1 йилдан 5 йилгача, ўртача лизинг муддати 2-3 йилга тўғри

⁴⁶ Бухгалтерский, валютный и инвестиционный аспекты лизинга. – М.:Ист-Севис, 1994. –С.46.

⁴⁷М.Мойбнинг 1996 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида "Ижара" мавзусида илмий-амалий семинарда билдирган фикрлари // Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. –1996.№10-11. - 41 б.

⁴⁸Лизинг и коммерческий кредит. – М.: Ист-Сервис, 1994. –С.76.

келади ва лизингдан фойдаланувчилар фоизлар тўлаш бўйича кам ҳаражат талаб қилувчи ускуналарни қисқа муддатли олишни афзал кўришади⁴⁹. Шартнома муддати тугагандан сўнг фойдаланувчи ускуналарни унинг қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиши мумкин ва шартномалар банк қафолатлари билан мустаҳкамланади. Шунингдек, мазкур давлатда лизинг берувчи лизинг олувчининг жойига, яъни офисига бориб, текшириш ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга. Лекин бу ҳақда лизинг берувчи олдиндан хабардор қилиши шарт⁵⁰. Умуман, лизинг фаолиятида лизинг берувчининг лизинг сифатида сарфлаган капиталини талаб қилиб олиши ёки ундириб олиш масалаларига эътибор берсак, мазкур масалада ҳам бир неча муаммолар келиб чиқиши мумкин. Лекин Хитой Халқ Республикасида бунга ойдинлик киритилган, яъни агар лизинг шартномасининг муддати маълум сабаблар асосида тўхтатилса, унда лизинг олувчи лизинг объектини яхши ҳолатда лизинг берувчига қайтариши шарт. Агар лизинг олувчи ҳаражатларни тўлашдан бош тортса, унда лизинг берувчи бу суммани депозитдан олиб ишлатиш ҳуқуқига эга. Агарда у сумма етарли бўлмаса, лизинг берувчи лизинг олувчидан қолган суммани талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга⁵¹.

Жанубий Корея Республикасида 1989 йилдаги "Лизинг бозори ривожланишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганидан кейин тарафлар ўртасида тузиладиган шартномалар ҳажми икки баробар ошди. Жанубий Кореяда жами 14 та лизинг компаниялар фаолият олиб боради, шулардан саккизтаси махсус лизинг компаниялар ва олтитаси савдо банклари ҳисобланади. Бу мамлакатнинг лизинг қонунчилиги лизинг компаниялари ташкил этиш, уларга шароит яратиш, унинг фаолият соҳасини мукамаллаштириш, лизингга бериладиган объектлар турларини белгилайди ва тартибга солади. Уларнинг қонунчилигида белгиланишича, агар

⁴⁹ Paul D.Childs., Steven H.Ott., Timothy J.Riddiough. Leasing risk, financing risk and capital structure decisions. <http://www.lawportal.ru>

⁵⁰ Sample Business Contracts. – Leases – China – Article 7.03.01. <http://contracts.onecle.com/index.shtml/>

⁵¹ Sample Business Contracts. – Leases – China – Article 8.7. <http://contracts.onecle.com/index.shtml/>

ускуналарнинг эксплуатация муддати беш йилдан кам бўлса, у ҳолда лизинг шартномасининг муддати ускуналар эксплуатация муддатининг 70 фоизидан кам бўлиши лозим. Агар ускуна эксплуатация муддати беш йилдан кўп бўлса, лизинг муддати ускуна эксплуатация муддатининг 60 фоизидан кам бўлиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, лизингга берилган ускуналарни сотиб олиш мажбурий эмас, лекин фойдаланувчига ён берган ҳолда лизинг берувчи томонидан таклиф қилиниши мумкин. Жанубий Корея ҳукумати мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган майда ва ўрта корхоналар фаолиятини рағбатлантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шу сабабли ҳукумат томонидан махсус Директива ишлаб чиқилиб, унга кўра лизинг компаниялари лизинг операциялари ҳажмининг 35 фоиздан кам бўлмаган қисмини майда ва ўрта корхоналарга ажратиш тўғрисида топшириқлар берилган ва бу амалда қўлланилади⁵².

МДХ давлатларида халқаро молиявий лизинг фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро низо келиб чиққан тақдирда 1992 йил 20 мартда қабул қилган "Низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги битимнинг умумий қоидаларга асосланган ҳолда ҳал этилади. Ушбу битимнинг 11-моддаси "е" бандига асосан, агар тарафлар ўртасида тузилган шартномада бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битим тузилган давлат қонунчилиги билан белгиланади⁵³. Молиявий лизингни ҳуқуқий тартибга солиш МДХ давлатлари барчасининг Фуқаролик кодексларида ва махсус қонунларида белгиланган. Бу давлатлар қонунчилигида лизинг ижара шартномасининг бир тури сифатида қаралади ва уларнинг барчаси Оттава конвенциясига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 594-595-моддалари Оттава конвенциясининг 12-моддасини⁵⁴ сўзма-сўз такрорлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 597-моддаси

⁵²Қаранг: Leasing Decisions: Liability Awaits the Unwary Lender // The real estate finance journal/winter 2002. <http://business.rin.ru>

⁵³Марышевой Н.И.Международное частное право. – М.: Контракт, Инфра-М, 2000. –С.264.

⁵⁴ Конвенция УНИДРУА "О международном финансовом лизинге". Оттава. 26.05.1998.

Ўзида конвенциянинг 9, 13-моддаси қоидаларини бирхиллаштирган ва уларда лизинг мулкани талаб даражасида етказиб бериш тартиби, лизинг олувчи мажбуриятлари ҳуқуқий асослантирилган.

Халқаро-ҳуқуқий механизмлар таъсирида ҳамда миллий ҳуқуқ ижодкорлигининг шаклланган нормалари воситасида лизинг амалиёти МДХ давлатларида ҳам етарли даражада ҳуқуқий ечимини топди. МДХ мамлакатларида лизинг муносабатларини тартибга солувчи махсус қонунлар мавжуд бўлиб, Озарбайжон Республикасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилган 16 моддадан иборат бўлган "Лизинг тўғрисида"ги қонуни⁵⁵, Молдова Республикасининг 1996 йил 15 февралда қабул қилинган "Лизинг тўғрисида"ги қонуни⁵⁶, Украина Республикасининг 1997 йил 16 декабрда қабул қилинган "Лизинг тўғрисида"ги ⁵⁷, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 25 моддадан иборат бўлган "Лизинг тўғрисида"ги қонуни⁵⁸, Қозоғистон Республикасининг 2000 йил 5 июлда қабул қилинган 26 моддадан иборат "Молиявий лизинг тўғрисида"ги⁵⁹ қонунларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Туркменистон ва Грузия давлатларининг фуқаролик қонунчилигида эса молиявий лизинг шартномаси шартноманинг алоҳида бир тури сифатида қаралади.

Молдова Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунига биноан лизинг олувчига берилган мулкка нисбатан шартнома муддати давомида мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг берувчида қолади. Шунингдек, қонунда халқаро лизинг муносабатларига имтиёзли тартибни яратиш қоидалари мавжуд. Лизинг шартномаси орқали Молдова Республикасига киритилган мулкдан божхона тўловлари ундирилмаслиги қонун нормаларида ўз тасдиғини топган.

Украина Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунида ҳам бутун шартнома муддати давомида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг берувчида

⁵⁵Ведомости Верховного Совета Азербайджанской Республики // 1995. –№9. –С.170.

⁵⁶ Monitorul Oficial al Republicii Moldova // 1996. –№16. – С.16.

⁵⁷ Ведомости Верховной Рады Украины // 1998. – №16. –С.68.

⁵⁸Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонуни. –Т.: Адолат, 1999.

⁵⁹ Закон "О финансовом лизинге" Республики Казахстан от 05.07.2000. №78-2.

сақланиб қолади. Лизинг олувчи банкрот бўлиб қолган ҳолларда, унинг барча мулки хатланган ёки мусодара қилинган ҳолларда лизинг объекти лизинг олувчининг мулкидан ажратиб олиниб, лизинг берувчига қайтарилади. Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддаси 4-бандида ҳам ўз ифодасини топган.

Дастлаб лизинг мунсабатларини махсус қонун билан тартибга солиш босқичини Озарбайжон Республикаси бошлаб берди ва 1994 йил 29 ноябрда "Лизинг тўғрисида"ги қонунини қабул қилди. Мазкур қонунга биноан, лизинг – бу истеъмолчиларга унинг буюртмасига кўра мулкни ўртача муддатга ижарага топшириш мақсадида амалга ошириладиган хизмат тури ҳисобланади. Бу давлатнинг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни 9-моддаси 2-бандида "лизинг олувчи ва лизинг берувчининг ҳар иккиси ҳам банкрот бўлганида ашёвий ҳуқуқлар шартномада белгиланган тарафда сақланиб қолиши ҳуқуқий нормалар орқали мустаҳкамланган". Умумий қоидага кўра лизингга берилган мулк бутун шартнома муддати давомида лизинг берувчининг мулки бўлиб қолади ва лизинг олувчи банкрот бўлса, мулк лизинг берувчига қайтариб берилади ҳамда лизинг компанияларининг банкротлик муносабатлари Озарбайжон Республикаси "Банкротлик ва ночорлик тўғрисида"ги қонун билан тартибга солиниши лизинг қонунчилигида ўз ифодасини топган⁶⁰. Шунингдек, ушбу мамлакат қонунчилигида лизинг мулкни суғурталаш масаласига умуман бошқача тартиб ўрнатилган. Ушбу давлатнинг лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун нормаларида лизинг мулкига зарар етказилиши, бузилиши ёки уни йўқ бўлиб кетиш хавфини олдини олиш мақсадида, агар шартнома шартларида белгилаб қўйилган бўлмаса, мулк лизинг берувчи қўлига

⁶⁰ Law of the Azerbaijan Republic on Leasing Activity // The present Law regulates leasing relations in the Azerbaijan Republic, determines rights and obligations of subjects of leasing contract. Article 9. Baku, 29 November 1994. № 930.

ўтганидан, то шартнома муддати тугагунга қадар лизинг объектини суғурталаш масаласи сотувчи зиммасига юклатилиши шарт шарт қилиб белгиланган⁶¹.

Белоруссия Республикаси ҳудудида лизинг муносабатларини тартибга солувчи "Лизинг тўғрисида"ги низомда, лизинг олувчи банкрот бўлган ҳолларда умумий қоидаларга кўра лизинг объекти лизинг берувчининг мулки ҳисобланади. Шу билан бирга, лизинг берувчи банкрот бўлса ва учинчи шахсдан маблағ ундиришда лизинг объекти лизинг олувчидан, агар у шартнома шартларини бузмаган бўлса олиб қўйишга асос бўлмайди. Шу билан бир қаторда, лизинг муносабатларини республика ҳудудида ривожлантириш мақсадида Беларуссия Республикаси Президентининг 1997 йил 13 ноябрдаги 587-сонли Фармонида биноан халқаро лизинг иштирокчиларига махсус божхона ва валюта имтиёзлардан фойдаланиш чора-тадбирлари белгиланган. Норезидент бўлган лизинг берувчиларнинг ҳам солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб бўлгандан сўнг лизинг тўловларининг чет эл валютаси ҳисобида хорижга чекловларсиз олиб чиқиши кафолатланган.

Қозоғистон Республикасида ҳам лизинг муносабатлари махсус қонун билан тартибга солинади. Ушбу мамлакат "Молиявий лизинг тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасида лизинг шартномасини асосий тушунчалари берилган. Унга кўра молиявий лизингни – инвестиция фаолиятининг бири тури сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи, лизинг битимлари, сублизинг, лизинг фаолияти, лизинг муносабатларида фойдаланиб бўлмайдиган ашёларга нисбатан алоҳида тавсиф бериб ўтилган.

Россиянинг лизинг муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунига кўра⁶², молиявий лизинг – бу муайян ҳақ эвазига, муайян муддатга ва шартлар билан, лизинг олувчи мулкни

⁶¹Гражданский Кодекс Азәрбайжанский Республики. – Глава 38. Статья 748.6.1.

⁶² Гражданский кодекс РФ. Подраздел 3. Объекты гражданских прав. Глава 6. Общие положения.Статья 665. Недвижимые и движимые вещи // Москва, 26 января 1996г. №14-ФЗ

сотиб олиш ҳуқуқи билан жисмоний ёки юридик шахсларга лизинг шартномаси асосида мулкни сотиб олиш ва бериш бўйича инвестицион фаолиятнинг тури ҳисобланади.

Белоруссия Республикасида, Озарбайжон Республикасида, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг берувчи зарур бўлган мулкни ўз эгаллигига олишга бевосита аҳамият қаратилади. Бу эса лизинг шартномалари учун лизинг операцияси бошлангунга қадар лизинг берувчининг объектга нисбатан эгалик ҳуқуқи бўлмаслиги билан тавсифланади. Фақат лизинг олувчи билан лизинг берувчи шартнома ҳақида тегишли маълумотлар олади ва топшириққа биноан ускуналарни ёки бошқа мулкни лизинг олувчига лизингга топшириш учун сотиб олади.

Кўриб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатларлар лизинг муносабатларига ҳозирги даврда жиддий эътибор берилаётганлигидан ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш ишларини фаоллаштириш лозимлигидан гувоҳлик беради. Бунда ҳукумат томонидан лизинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётганлиги ва лизинг муносабатларига ҳуқуқий жиҳатдан имкониятлар яратиб бераётганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси лизинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунга эга бўлган мамлакатлар гуруҳига киради. Ўзбекистон фуқаролик қонунчилиги замонавий ҳуқуқий тизимининг бир қисми сифатида роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб. Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари 1996 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг 587-599 моддалари ҳамда 1999 йил 14 апрелда жорий этилган “Лизинг тўғрисида”ги Қонун нормалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Шунингдек, лизинг шартномаси тарафларнинг ҳуқуқ ва

мажбуриятларини бевосита фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида халқаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинмоқда. Албатта бу миллий ва хорижий субъектлар ўртасида лизинг шартномаси орқали маълум бир мулкларга эга бўлишга имкон яратиб беради.

II-боб. Лизинг муносабатларини тартибга солишда тижорат банкларининг тутган ўрни.

2.1 Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солиш

Банк, шу жумладан чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади. Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисоб варақларини очиш ва юритиш, ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

- омонатларни жалб этиш;
- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.
- Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:
- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- молиявий лизинг;

- халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар⁶³.

Тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини амалга оширишда қуйидаги: Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси” (587-599м.), Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни, “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли бҳмс) «ижара ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Буйруғи каби қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

“Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра лизинг олувчи лизинг шартномасини тузиш учун унинг асосий депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатаётган банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- лизинг буюртмаси;
- лизинг объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотнома;
- лизингнинг бутун даврини ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;
- охириги ҳисобот санасига туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган бухгалтерлик баланси (1-шакл), молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл), муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги

⁶³ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 25.04.1996 й. N 216-I

маълумотнома (2а-шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари.

Лизинг берувчи банклар лизинг бериш юзасидан қарор қабул қилиш учун лизинг олувчидан унинг лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш бўйича зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олишлари мумкин. Лизинг компанияларига уларга иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варақлари очган тижорат банклари томонидан импорт асосида лизинг объектларини етказиб бериш билан боғлиқ лизинг хизмати кўрсатилиши мумкин.

Буюртма лизинг берувчи банк томонидан кўриб чиқиладиганда куйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

- буюртма берувчи даромадларининг лизинг тўловларини амалга ошириш учун етарлилиги;
- буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;
- лизинг берувчи банк олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

Лизинг объекти шартномага мувофиқ лизинг берувчи банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ ва бошқа ҳаражатларини қайтариш ҳамда лизинг даромади (фоизи) тўловини амалга ошириш таъминоти вазифасини бажариши мумкин. Бунда лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг берувчи банк фойдасига йўқолиш ва шикастланиш ҳодисаларидан ихтиёрий суғурта қилиниши ҳамда бу тўғрисида суғурта полисини банкка тақдим этилиши шарт. Лизинг берувчи лизинг операциясини амалга ошириш натижасида сарфланган маблағларнинг қайтарилиши ва

лизинг фоизи тўланишининг кафолати сифатида лизинг олувчидан бошқа таъминот шакллари тақдим этишни талаб қилиши мумкин. Лизинг фоиз ставкалари миқдори лизинг олувчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра лизинг шартномасида белгиланади. Лизинг олувчининг буюртмаси бўйича лизинг берувчи банк томонидан лизинг операциясини амалга ошириш ёки оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати буюртма банкка келиб тушган кундан бошлаб 30 иш кунидан, микролизинг операциясини амалга ошириш бўйича эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим. Лизинг операциясини амалга ошириш асослангандирлиги ҳолда рад этилган тақдирда, лизинг берувчи банк лизинг олувчига бу ҳақда рад этиш сабабини асослаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт. Лизинг операциясини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига билдирилади ҳамда лизинг берувчи банк ва лизинг олувчи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг шартномаси тузилади. Лизинг объекти ҳисобланган мол-мулк бўйича тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим⁶⁴.

Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

б) лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг

⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низоми. 21.11.2006й 25/6-сон

лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кундаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

г) лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Лизинг шартномаси лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан кам бўлмаган муддатга тузилади. Бунда лизинг объектининг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддаси учинчи қисмида белгиланган асосий воситаларнинг амортизация нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Лизинг шартномасида лизинг шартномаси амал қилиши бошлангандан то тугагунга қадар лизинг объектининг қиймати бўйича вужудга келадиган ўзгаришларни инобатга олиб, лизинг тўловлари суммасига тарафларнинг келишувига биноан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари кўзда тутилиши мумкин.

Лизинг олувчилар лизинг объектини лизинг шартномаси муддати тугашидан олдин исталган вақтда лизинг объектининг қолдиқ қийматини ва ҳисобланган лизинг фоизи тўловини амалга оширган ҳолда лизинг объектини ўз мулкига олиши мумкин. Лизинг объекти қолдиқ қиймати ва ҳисобланган фоизлар тўлови тўлалигича амалга оширилган кундан бошлаб лизинг шартномаси шартлари тўла бажарилган ҳисобланади.

Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи банк ва сотувчи ўртасида лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Бунда лизинг берувчи банк сотувчига мол-мулк муайян

лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлигини билдириши шарт. Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтганидан сўнг лизинг операцияси амалга оширилган ҳисобланади. Лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади. Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади ва лизинг берувчи банк, лизинг олувчи ҳамда сотувчи томонидан имзоланади.

Лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчи:

- лизинг тўловини амалга оширишни кечиктириш;
- етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш;
- лизинг шартномасининг бекор қилинишини лизинг берувчидан талаб этиш;
- лизинг шартномасини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик натижасида етказилган зарарларни тўлашни лизинг берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Лизинг берувчи банк ҳар бир лизинг операцияси бўйича лизинг йиғма жилдини шакллантиради. Лизинг йиғма жилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- лизинг олувчининг буюртмаси;
- лизинг шартномаси;
- лизинг олувчининг охириги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси;

- лизинг олувчининг лизинг бўйича бизнес-режаси;
- лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг бизнес-режасининг самарадорлиги тўғрисида лизинг берувчи банкнинг хулосаси;
- суғурта компаниясининг лизинг объектини суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;
- лизинг берувчининг лизинг объектини лизинг олувчига етказиб берилиши тўғрисидаги буюртмаси;
- лизинг объектининг олди-сотди шартномаси;
- лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;
- лизинг объектига сотувчи томонидан берилган техник кафолат;
- лизинг операцияси ҳамда таъминоти характеридан келиб чиққан ҳолда олинган бошқа ҳужжатлар.

Лизинг шартномаси юзасидан қўшимча келишув тузилган тақдирда, у ҳам лизинг олувчининг лизинг йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддат давомида лизинг объектига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олади. Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси бўйича ўзида пайдо бўлган ҳуқуқ, мажбурият ва бошқа манфаатларни учинчи шахсга ўтказиш (қўшимча лизинг)га фақат лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида рухсат этилади. Лизинг олувчи сотувчи томонидан лизинг объектига берилган техник кафолатдан фойдаланади. Лизинг объектини ўз вақтида етказиб берилиши ва бутланиши ҳамда уни ўрнатишга доир мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқини лизинг олувчи ўз зиммасига олиши лизинг шартномасида белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти (6-сонли

бҳмс) «Ижара ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига кўра ижарачининг (лизингга олувчининг) молиявий ижара объектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ва шунга ўхшаш бошқа) харажатлари молиявий ижара объекти қийматини кўпайтирувчи капитал қуйилмалар сифатида акс эттирилади.

Агар молиявий ижара объекти, ижарага (лизингга) берувчининг рухсати билан яхшилانган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки шартнома бекор қилинган, ижарачи (лизингга олувчи) ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ижарага (лизингга) берувчининг рухсатсиз амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилашга сарфланган маблағлар (қўйилмалар) ва уларни молиявий ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имконияти бўлмаса, молиявий ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинган, улар ижарага (лизингга) берувчига текинга ўтади, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса. Бироқ, агарда уларни молиявий ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар ижарага (лизингга) берувчи уларнинг қийматини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи (лизингга олувчи) уларни ажратиб олиши мумкин.

Маълумки, иқтисодиётни модернизациялашда лизинг бозорининг ҳам ўрни аҳамиятли. Фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик субъектларини замонавий техника-технологиялар билан жиҳозлашда лизинг компанияларини ҳам аҳамияти ортиб бормоқда. Бу орқали ишбилармонлар

харакати янада жадаллашиб, энг аввало, соғлом рақобат ривожланиши билан бирга, маҳсулотлар сифати ҳам ортиб бормоқда.

Биламизки, мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари корхоналарини техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизациялаш, замонавий ускуналар ва минитехнологияларни сотиб олишлари учун республика тижорат банклари томонидан қулай молиявий имкониятлар яратилиб берилмоқда. Шу билан бирга, банклар қаторида лизинг компанияларининг ҳам мазкур жараёнларидаги иштироки аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда сўнгги уч йилда амалга оширилган лизинг операцияларига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг тез суратларда ўсиб борганини ва ушбу ўсиш жараёни бардавом бўлаётганини кўришимиз мумкин. Хусусан, лизинг хизматлари миқдори 2013 йилда 805.2 млрд. сўмни, 2014 йилда 826.2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилнинг 2-чорак якунларига кўра 422.7 млрд. сўмни кўрсатмоқда. Бундан кўришиб турибдики, кейинги йилларда ҳам лизинг операцияларининг фаоллиги давом этмоқда.

Маълумотларга кўра, 2015 йилнинг 6 оyi давомида лизинг хизматлари мамлакатимиз иқтисодиётининг қуйидаги тармоқларига фаол кўрсатилди: техник ускуналари – 34.1 %, қишлоқ хўжалиги технологиялари – 33.5 %, автотранспорт соҳаси – 19.1 %, кўчмас мулкка эса 13.3% . Бу ишларнинг бари юрт равнақи, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилмоқда⁶⁵.

Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга оширишда асосий муаммолардан биттаси шуки, лизинг берувчи, яъни банк томонидан лизинг берилганда, агар лизинг олувчи томонидан мажбурият бажарилмаса, банк лизингга берилган мулкни қайтариб олади ва қайтариб олинган лизинг объектини бошқа шахсга лизингга бера олмайди. Бу эса қайтиб олинган лизинг объектини кимдир сотиб олмагунича банк ҳисобида қолиб кетишига

⁶⁵ Бозор, Пул ва Кредит журнали, ISSN 2010-6580, Ўзбекистон лизинг берувчилар Ассоцияси Бош директори Зафар Мустафоев сўзи. 61-бет.

сабаб бўлади. Қайтариб олинган лизинг объекти фақат олди-сотди шартномаси орқали ёки фуқаролик кодексининг 422 моддасига кўра товар нархини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан бошқа шахснинг номига ўтказди. Агар лизинг объектининг қиймати катта бўлсаю харидор ушбу мулкни дарҳол сотиб олишга маблағи етмаса , 1154-сон Президент Фармонига мувофиқ, барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар уларга етказиб бериладиган қийматнинг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулотни жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқланган.

Демак, харидор 15% миқдорида пул ўтказмаларини олдиндан амалга ошириши лозим. Бундан мақсад корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини оширишдир⁶⁶.

2.2 Молиявий лизинг операцияларининг ўхшаш муносабатлардан фарқи ва ўзига хос хусусиялари, лизинг операциялари афзалликларининг ҳуқуқий кафолатлари сифатида тижорат банкларининг ўрни

Халқаро молиявий лизинг шартномаси олди-сотди шартномаси ва соф лизинг шартномаси элементларига эга бўлган мураккаб шартнома бўлганлиги учун ушбу шартнома мазкур шартномаларга ўзининг асосий белгилари бўйича жуда яқин туради. Бунда, шубҳасиз, лизинг берувчи билан сотувчи ўртасидаги муносабатлар аслида олди-сотди шартномаси бўлади. Шу билан бирга, халқаро молиявий лизингда учинчи шахснинг, яъни харидор бўлмаган лизинг олувчининг бевосита сотувчи (етказиб берувчи)га даъво

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сон.

қилиш имкони пайдо бўлади.

Бундан ташқари, лизинг муносабатлари ривожланишининг муайян босқичида молиявий лизинг ашёни насияга олиш-сотиш шартномасининг тури бўлиб, бунда сотувчи (лизинг берувчи) шартнома предметига бўлган мулк ҳуқуқини харидор (лизинг олувчи) тўловларни тўлиқ амалга оширадиган пайтгача ўзида сақлаб қолади, деган нуқтаи назар билдирилган.

Шу билан бирга, молиявий лизинг шартномасининг бундай олди-сотди шартномасидан асосий фарқи шундаки, олди-сотди шартномасининг мақсади шартнома предметига бўлган мулкдорлик ҳуқуқининг харидорга ўтишидан иборат, молиявий лизинг шартномасининг мақсади эса лизинг олувчига унинг зарур ашёдан фойдаланиш имконини бериб уни кредитлашдан иборат. Шу боис молиявий лизинг предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқининг бировга ўтиши лизинг олувчининг ҳуқуқидир, яъни мулкдорлик ҳуқуқи одатда лизинг олувчи барча лизинг тўловларини тўлаганидан сўнг унга ўз-ўзидан ўтмайди ва лизинг олувчи лизинг муддати тугаганидан кейин ашёни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш ёки лизинг берувчига топшириш ҳуқуқига эга бўлади.

Молиявий лизингда ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи лизинг берувчида эмас, балки лизинг олувчида бўлади (олди-сотди шартномаси бўйича мулк ҳуқуқи сақлаб қолинганда тасодифий нобуд бўлиш хавфи сотувчида бўлади). Бундан ташқари, халқаро молиявий лизинг шартномаси уч томонлама битим бўлиб, лизинг олувчига шартнома предметининг камчиликлари билан боғлиқ талабларни бевосита мол етказиб берувчига (ишлаб чиқарувчига) кўйиш имконини беради, лизинг берувчи эса, сотувчидан фарқли равишда сотилган ашёнинг камчиликлари билан боғлиқ жавобгарликдан озод бўлади.

Лизинг берувчида (сотувчидан фарқли равишда) ашёни лизинг олувчига топшириш мажбурият йўқ, чунки лизингга бериладиган ашёни одатда мол етказиб берувчининг ўзи бевосита топширади. Бундан ташқари, молиявий лизинг муддати одатда ашёдан хўжаликда фойдаланиш муддатига

мос келади, насияга олиш-сотиш шартномасининг муддати эса анча қисқа бўлади.

Континентал Европадаги айрим мамлакатларнинг доктринаси ва суд амалиётида молиявий лизинг шартномаси муайян хусусиятларга эга бўлган лизинг (мулккий ёллаш ва ижара) шартномасининг турларидан биридир, деган нуқтаи назар учраб туради.

Шу билан бирга, молиявий лизингнинг ижара шартномасидан асосий фарқи шундаки, унда лизинг предмети лизинг берувчи лизинг олувчининг кўрсатмаси бўйича харид қилади, шу боис лизинг олувчи лизинг берувчига (ижарачи ижара берувчига нисбатан бўлганидек) фойдаланиш учун берилган ашёнинг камчиликлари билан боғлиқ талабни қўйишга ҳақли эмас.

Бундан ташқари, одатда, молиявий лизинг шартномасига кўра, ижара шартномасидан фарқли равишда, лизинг предмети билан боғлиқ барча хавфлар (мулкдор сифатида) лизинг берувчининг эмас, балки лизинг олувчининг зиммасида бўлади.

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, мулккий ёллаш (ижара) шартномасининг мақсади шартнома предметига бўлган фойдаланиш ҳуқуқини олишдан иборат. Молиявий лизинг шартномаси эса, аввало, харид қилинаётган мулкдан фойдаланувчини кредитлашга қаратилган. Айнан шу боис лизинг берувчининг бурчи муайян мулкни унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун беришдангина иборат бўлмай, балки илгаридан белгиланган мулкни учинчи шахсдан харид қилишдан ҳам иборат.

Халқаро молиявий лизинг шартномасини кредит шартномасидан ҳам фарқлаш керак, чунки одатда халқаро лизинг шартномасида ушбу битимнинг учинчи таркибий қисми, яъни банк ёки унинг кредит ташкилоти лизинг берувчи фаолиятини молиялаштириши билан боғлиқ кредит элементи мавжуд. Бунда иқтисодий нуқтаи назардан халқаро молиявий лизинг кредит шартномасига жуда ўхшаш, чунки биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам фоиз тўлаш эвазига қарзга ашё олинади. Бироқ биринчи ҳолда лизинг предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқи кредиторда сақланиб қолади, иккинчи

ҳолда эса ашёга нисбатан мулкчилик ҳуқуқини қарздор сотиб олади. Кредит бераётган банк ушбу ашёнинг гарови ҳақида шартнома расмийлаштиришни талаб қилиши мумкин бўлса ҳам, бироқ, барибир, ашёга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи банкка ўтмайди. Бундан ташқари, молиявий лизингда лизинг берувчи ашёни сотувчидан ўз номи асосида харид қилади. Кредит беришда эса сотувчи билан шартномани қарз олувчи имзолайди.

Лизинг берувчи ашёни сотувчи (етказиб берувчи)дан лизинг олувчининг топшириғи бўйича харид қилиши маълум маънода молиявий лизинг шартномасини комиссия шартномаси (агентлик шартномаси) билан ўхшаш қилади. Шу билан бирга, комиссия шартномасида шартнома предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқини комитент сотиб олади. Молиявий лизингда эса шартнома предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқи лизинг берувчида қолади. Комиссия шартномасига мувофиқ, коммиссионер учинчи шахс билан бўладиган битимни комитент воситалари эвазига бажаради. Молиявий лизингда лизинг берувчи лизинг предметини ё ўз маблағлари эвазига, ё банкдан ўз номидан сотиб олинган молиявий маблағлар эвазига харид қилади. Бундан ташқари, молиявий лизингда лизинг предметини лизинг олувчи амалда ўз номидан олади, комиссия шартномасида эса бу функцияни коммиссионер бажаради.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлил натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Халқаро молиявий лизинг шартномаси мураккаб шартнома бўлиб, олди-сотди, ёллаш (ижара), кредит ва комиссия (агентлик) шартномаларининг айрим жиҳатларини ўз ичига олса ҳам, уларнинг турларидан бири эмас. Шу боис халқаро лизинг шартномасида, "халқаро қонунчилик" ҳужжатларида, шунингдек, лизинг ҳақидаги миллий ҳуқуқнинг қўлланадиган махсус нормаларида муайян муносабатлар тартибга солинмаса ҳам, ўхшаш муносабатлар ҳақидаги қўлланиладиган моддий ҳуқуқнинг бошқа нормаларига асосланиш зарур (бунда халқаро молиявий лизинг

шартномасининг хусусиятларини ёдда тутиш лозим)⁶⁷.

Лизинг шартномаси бошқа шартномалардан қуйидаги афзалликлари билан ажралиб туради:

- ўзининг бошланғич капиталидаги эҳтиёжининг камайиши. Лизинг шартномаси бўйича молиялаш 100 % лизинг берувчи томонидан амалга оширилади ва зудлик билан тўловлар тўланишини талаб қилмайди. Бу эса лизинг берувчига молиявий қийинчиликларсиз ўзининг ишлаб чиқариш фондларини янгилашга, қимматбаҳо мулкларни сотиб олишга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида айланма капиталини кўпайтириш имкониятини беради;

- корхона томонидан мулкни мулкни лизинг шартномаси бўйича олиш ссуда олишдан анча енгилроқ, чунки лизингга берилаётган мулк бир вақтнинг ўзида гаров сифатида ўтади;

- лизинг келишуви ссудага нисбатан эгулувчан ҳисобланади, чунки тарафларга тўловни амалга оширишни қулай схемасини ишлаб чиқиш имкониятини беради;

- лизинг битими кредит шартномасига нисбатан узоқроқ муддатга тузилиши мумкин. Бунинг натижасида эса лизинг тўловларининг даври камаяди, лизинг олувчининг бу тўловларни амалга ошириш бўйича харажатлари камаяди ва лизинг шартномаси ижроси ишончилиги ошади;

- лизинг олувчи учун мулкнинг жисмоний ва маънавий эскириши хавфи камаяди, сабаби мулк мулк ҳуқуқи асосида эмас, балки вақтинча фойдаланишга олинади;

- лизинг шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, лизинг мулки лизинг берувчи балансида акс эттирилади, бу ҳолатда эса лизинг олувчининг активлари кўпаймайди ва бу мулкка нисбатан лизинг олувчининг солиқ тўловларидан озод этади;

- лизинг тўловлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига кириши

⁶⁷Гулямов С.С.Халқаро савдо ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Шарқ, 2002. – 319 б.

муносабати билан солиққа тортиладиган фойдани камайтиради;

- лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўзаро келишувга асосан лизинг предметини техник эскириш коэффициентини қўллаш ҳуқуқига эгалар;

- лизинг мулкни ишлаб чиқарувчи корхона ўз маҳсулотларини сотиш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади;

- лизинг компанияси мулкни ишлаб чиқарувчи ва лизинг олувчи уртасида молиявий халқа бўлиб, лизинг шартномаси юзасидан фойда олади;

- ишлаб чиқариш ривожлангани, бюджетга солиқ тўловлари миқдори кўпайгани, янги иш ўринлари ташкил этилгани сабабли, давлат ҳам фойда кўради⁶⁸.

Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш бошқа лизинг компанияларидан деярли фарқ қилмайди. Кўпчилик лизинг компаниялари ўз фаолиятини амалга ошираётганларида банкларга суянади. Лекин шундай лизинг компаниялари борки, улар етарли ўз устав капиталига эга бўлиб, лизинг операцияларини банкларсиз мустақил амалга ошира олади.

Тижорат банкларига суянадиган лизинг компаниялари банкларга бериши керак бўлган фоиздан ташқари операцияларни амалга оширишда ўз фоизларини ҳам қўяди. Яъни банкдан лизинг олмоқчи бўлган шахсларга маълум бир фоиз белгиланган бўлса, лизинг компанияларига мурожаат қилган шахслар лизинг олиши учун банкка қараганда кўпроқ фоиз тўлайди. Демак, банкдан лизинг олиш камроқ фоиз ҳисобига амалга оширилар экан, деган савол кўпчиликни қизиқтириши мумкин. Маълумки, лизинг компанияларидан лизинг олиш тартиби банкка қараганда бир мунча осонроқдир, чунки банкларга қараганда лизинг операцияларини амалга ошириш учун лизинг компаниялари томонидан талаб этиладиган ҳужжатлар доираси нисбатан камроқдир.

⁶⁸Свядосц Ю.И. Лизинговое отношение. - М., 2010.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Олиб борилган тадқиқот натижалари лизинг шартномасини амалга оширишда келиб чиқадиган ҳуқуқий муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу битирув малакавий ишда лизинг муносабатлари бўйича олиб борилган илмий изланишлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга оширишда асосий муаммолардан биттаси шуки, лизинг берувчи, яъни банк томонидан лизинг берилганда, агар лизинг олувчи томонидан мажбурият бажарилмаса банк лизингга берилган мулкни қайтариб олади ва қайтариб олинган лизинг объектини бошқа шахсга лизингга бера олмайди. Бу эса қайтиб олинган лизинг объектини кимдир сотиб олмагунича банк ҳисобида қолиб кетишига сабаб бўлади. Қайтариб олинган лизинг объектини бошқа шахсга ҳам амортизация ҳолатини инобатга олган ҳолда яна лизингга беришни қонунчилигимизга тадбиқ этсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди .

2. Лизинг мулкига оид муносабатлар илмий-назарий таҳлил қилиниб, унинг натижаларига кўра қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда лизинг мулки ҳар қандай жисмоний шахсга эмас, балки фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсга берилиши мумкинлиги таъкидланган. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасининг учинчи бандида лизинг олувчи сифатида эътироф этилган шахснинг ҳуқуқий мақомига аниқлик киритилиб, қуйидагича: “Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ёки юридик шахс лизинг олувчи” деб талқин этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 596-моддаси қўшимча лизингга бағишланган.

Бунда лизинг олувчи лизинг берувчи олдида моддий жавобгар бўлгани ҳолда, лизинг берувчининг ёзма розилиги билан объектга вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Қонунда мавжуд бўлган "ёзма розилиги" Фуқаролик кодексида қайд этилмаган. Мазкур ибора Фуқаролик кодексининг тегишли моддасига киритилса қонунчиликда бир хиллик таъминланган бўлар эди.

4. Ўзбекистон республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини ҳўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида”ги Қарори лойиҳасининг 13.3-бандини Фуқаролик кодексининг 598-моддаси учинчи қисми билан мувофиқлаштириш лозим. Лойиҳада лизинг берувчи сотувчини танлаганда фақат сотувчи жавобгар бўлади деган фикр англашилмоқда. Ушбу банд қуйидагича, яъни “Олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар сотувчи томонидан бузилган тақдирда (етказиб бермаслик, лозим даражада етказиб бермаслик, сифатсиз ёки бут бўлмаган товарнинг етказиб берилиши ва бошқалар), агар сотувчини танлаш учун жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлса, *сотувчи лизинг олувчи олдида жавоб беради*. Бундай ҳолда лизинг олувчи ўзининг хоҳишига кўра сотувчи ёки лизинг берувчига нисбатан талаблар билдиришга ҳақли” дейилган. Бироқ, бу ҳолатда лизинг олувчи олдида сотувчи ва лизинг берувчи олдида жавобгардирлар. Шу сабабли, “сотувчи” сўзидан кейин “ва лизинг берувчи” сўзларини киритилиши мақсадга мувофиқ. Кейинги жумладаги “ёки” сўзини “ва (ёки)” сўзларига алмаштириш мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг 18-моддасида лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан, агар бу ҳақида келишув бўлмаса, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади. Лизинг объектини суғурталаш ҳаракатларини лизинг

берувчининг зиммасига юклаш масаласини қонунда белгилаб қўйиш лозим. Чунки, лизинг олувчида лизинг мулкени суғурталаш маблағи мавжуд бўлмаслиги мумкин.

6. Лизинг компаниясини очмоқчи бўлган шахслар учун маълум бир устав капитали миқдори қонунчилик томонидан белгилаб қўйилиши лозим. Устав капитали маълум миқдорининг белгиланиши ўз навбатида, тўғри келган шахслар томонидан лизинг компанияларини очиб ташлашини ҳамда лизинг операцияларини амалга ошириш жараёнида фирибгарлик ҳолатларини олдини олишга ёрдам беради. Биламизки, кўпчилик лизинг компаниялари лизинг муносабатларини амалга ошираётганида банкларга суянади. Лизинг компаниялари учун устав капиталининг белгиланиши ҳар бир лизинг операцияларини амалга ошириш даврида банкдан пул сўраб, узлуксиз равишда мурожаат қилиш ҳолатларини чеклашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.13. –Т.: "Ўзбекистон", 2004. – 288 б.

2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қадрият. Т.14. – Т.: "Ўзбекистон", 2006. – 280 б.

3. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: "Ўзбекистон", 2007. – 320 б.

4. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиятимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: "Ўзбекистон", 2008. – 368 б.

5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор

ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: "Ўзбекистон", 2009. – 280 б.

6. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: "Ўзбекистон", 2010. – 280 б.

7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2010. – 80 б.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" мавзусидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь, №19 (4934).

9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. – Т.: "Ўзбекистон", 2010. – 56 б.

10. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь / И.А.Каримов. – Т.: "Ўзбекистон", 2013. – 36 б.

II. Норматив ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004. - 496 б.
2. Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонуни. 19.04.1999. - № 756-І.
3. Ўзбекистон Республикаси "Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида"ги қонуни . 29.08.1996. - № 263-І.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни. 29.08.1998 й. – № 670-І.
5. Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонуни. 26 апрель 1996 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуни. 24.12.1998. - № 719-І.
7. Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни. 25.05.2000. -№69-ІІ.
8. Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонуни. 25.05.2000. - № 71-ІІ.
9. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни. 05.04.2002. - № 358-ІІ.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 26 апрелдаги 199-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 17-сон, 197- модда; 2006 й., 48- 50-сон, 486-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 2003 йил 23 октябрдаги 462- сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 20- сон, 194- модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни

лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 9-10-сон, 134-модда; 2007 й., 25-26-сон, 262-модда, 50-51-сон, 517- модда; 2008 й., 10-11-сон, 62-модда; 2009 й., 21-сон, 252-модда.

III. Махсус адабиётлар:

1. Агарков М.М. Избранные труды по гражданскому праву. Том I: в 2-х томах/ М.М. Агарков. –М.: АО Центр ЮрИнфор, 2002. - 490 с.
2. Агарков М.М. Избранные труды по гражданскому праву. Том II: в 2-х томах/ М.М. Агарков. –М.: АО Центр ЮрИнфор, 2002. - 452 с.
3. Агафанова М.Н. Аренда, лизинг, безвозмездное пользование. – М.: ЗАО "Юстиц-информ", 2006. - 160 с.
4. Агафанова М.Н. Договор аренды, лизинг: учет и налоги. – М.: ООО "Статус-Кво 97", 2005. - 168 с.
5. Ануфриева Л.П. Международное частного право. Особенная часть. Том 2. – М.: Бек, 2000. – 656 с.
6. Байбак В.В. Обязательственное требование как объект гражданского оборота/ В.В. Байбак . –М.: Статут , 2005. - 222 с.
7. Богуславский М.М. Международное частное право. Элементарный курс. – М.: Юрист, 2002. - 317 с.
8. Борисов А.Н. Комментарий к Федеральному закону Российской Федерации "О финансовой аренда (лизинге)". – М.: ЗАО Юстиц-информ,

2005. - 2008 с.

9. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая: Договоры о передаче имущества. – М.: Статут, 2000. - 800 с.

10. Брагинский М.И. Витрянский В.В. Договорное право. Книга третья: договоры о выполнении работ и оказании услуг/ Витрянский В.В. Брагинский М.И.. –М.: Статут, 2005. - 1055 с.

11. Василевская Л.Ю. Учение о вещных сделках по германскому праву. –М: Статут,2004. -538 с.

12. Газибеков Д.Г., Сабилов О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. – Т.: Молия, 2001. - 132 б.

13. Горемыкин В.А. Лизинг. Учебник. – Изд. 2-е, исправленное и дополненное. – М.: Филинь, 2005. - 944 с.

14. Гражданское и торговое право зарубежных государств. Том I: учебник. –М.: Международные отношения, 2004. - 560 с.

15. Гражданское право. В 4-х томах. Том. I. Общая часть : учебник 3-е изд., перераб и доп. –М.: Волтерс Клувер, 2005. - 720 с.

16. Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. –Т.: Шарқ, 2002. - 318 б.

17. Единообразный торговый кодекс США. – М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. - 1034 с.

18. Иванов А.А. Договор финансовой аренды (лизинг). – М.: Проспект, 2001. - 64 с.

19. Иванов Д.В., Дубровин И.А. Лизинг как фактор модернизации предприятий. – М.: Комплекс, 1999. - 390 с.

20. Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998. - 204 с.

21. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. – Т.: ТДҶОИ, 2005. - 334 б.

22. Рўзиев Р.Ж. Лизинг шартномаси. –Т.: Адолат, 2002. - 31 б.

23. Рўзиев Р.Ж. Тадбиркорлик ва лизинг. – Т.: Адолат, 2002. - 128 б.

24. Скаридов А.С. Международное частное право. – Санкт-Петербург.: Михайлова В.А, 2002. – 768 с.

IV. Монографиялар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. / О.Т.Ҳазратқулов. – Т.:Noshir, 2014. №3. – 228 бет.

2. О.Т.Ҳазратқулов. Лизинг муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши. //Ж. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили, 2013. №3. –Б.9-14.

3. О.Т.Ҳазратқулов. Лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар. //Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ахборотномаси, 2013. №3. –Б.18-21.

4. О.Т.Ҳазратқулов. Бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муаммоларини ҳал этиш тартиби. // “Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари” мавзусида ёш олимларнинг ўқишлари. Т.: ТДЮИ. 2013 йил май. –Б.6-10.

5. Бозор, пул ва кредит журнали, ISSN 2010-6580, Ўзбекистон лизинг берувчилар Ассоциацияси Бош директори Зафар Мустафоев сўзи. 61-бет.

6. О.Т.Ҳазратқулов. Шартномадан келиб чиқадиган муносабатларни коллизия тартибга солиш масалалари. //Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ахборотномаси, 2013. №5. –Б.20-26.

V. Интернет сайтлар

1. www.lex.uz
2. www.legislature.ru
3. www.law.uk.edu
4. www.flexa.ru
5. www.law.harvard.edu
6. www.juristlib.ru
7. www.india-financing.com
8. www.dm-leasing.narod.ru
9. www.muranov.ru